

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Мирзақулов Шукуржон Камилевич

**ФОТО ВА ВИДЕО ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИ
РЕКЛАМА ВЕБ САЙТИНИ ЯРАТИШ**

5523600 - “Электрон тижорат” йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИ кўриб чиқилди ва химояга
тавсия этилди “Электрон тижорат”
кафедраси мудири
проф. Якубов М.С. _____

«__» _____ 2011 йил

Рахбар: “Электрон тижорат”
кафедраси ассистенти
Юлдашев Р.Х. _____

«__» _____ 2011 йил

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги
Агзамова М. _____

«__» _____ 2011 йил

Тошкент – 2011 й.

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ахборот технологиялари факультети Электрон тижорат кафедраси
йўналиши (мутахассислик) Электрон тижорат

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири

Якубов М.С. _____

2011 йил “__” _____

Битирув малакавий ишига

Т О П Ш И Р И Қ

Мирзақулов Шукуржон Камилевич

(фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Иш мавзуси “Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари реклама

веб сайтини яратиш”

2. 2011 йил “22” февралдаги 152-07 -сонли буйруқ билан тасдиқлайман

3. Ишни ҳимояга топшириш муддати _____ йил

4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: тадқиқот тизимининг тавсифи, тизимни
яратишга техник топшириқ, объектнинг тизимли ва ишчи лойихаси ва ҳ.к.лар

5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувнинг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар
рўйхати): **танланган мавзунинг долзарблигини асослаш; тадқиқоднинг
мақсади ва уни амалга оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган
масалаларни аниқлаштириш; тадқиқод предмети ва объектини
аниқлаш ва тавсифлаш; тадқиқод натижаларини таҳлил қилиш ва
қайта ишлашни олиб бориш; хулосалар келтириб чиқариш, олинган
натижаларни баҳолаш ва иқтисодиётнинг мос соҳасига тайинли
таклифлар бериш.**

6. График материаллар рўйхати: **1) web – сайт яратиш технологияси, 2)
хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ташкил этиш
технологияси, 3) фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти реклама веб
– сайтининг иқтисодий самарадорлиги, 4) асосий саҳифалар, 5) хулоса**

7. Топшириқ берилган сана _____

Раҳбар _____

(имзо)

Топшириқ олдим _____

(имзо)

8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Кириш	Юлдашев Р.Х.	22.01.2011	22.01.2011
Назарий қисм	Юлдашев Р.Х.	15.02.2011	15.02.2011
Асосий қисм	Юлдашев Р.Х.	11.03.2011	11.03.2011
Амалий қисм	Юлдашев Р.Х.	21.04.2011	21.04.2011
Яқуний қисм	Юлдашев Р.Х.	16.05.2011	16.05.2011
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Агзамова М	23.05.2011	23.05.2011

9. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи белгиси)
1	Ўзбекистонда интернет технология ва электрон тижоратдан фойдаланиш ҳолати	01.02.2011	
2	Хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ташкил этиш технологияси	16.03.2011	
3	Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкilotи реклама веб – сайтнинг иқтисодий самарадорлиги	30.04.2011	
4	Хулоса ва тавсиялар	17.05.2011	
5	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	02.06.2011	

Битирувчи _____

Раҳбар _____

2011 йил «__» _____
(имзо)

2011 йил «__» _____

MAZMUNNOMA

Битирув малакавий ишида фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари реклама веб сайтини яратиш масалалари кўрилган. Дастурий таъминотнинг асосий воситалари классификация қилиниб, веб сайт яратиш учун энг қулайлари танланган, ҳамда тўлов тизими технологияси келтирилган.

АННОТАЦИЯ

В выпускной квалификационной работе рассмотрены вопросы создание веб сайта рекламы фото и видео обслуживания организаций. В работе классифицированы основные средства программного обеспечения, выбраны приемлемые методы создания веб сайта и доска технология системы оплаты.

SUMMARY

In the final qualifying work questions the creation of a Web site advertising photo and video service organizations. We classified the basic software tools, selected appropriate methods for creating a web site and message board technology is the payment system.

МУНДАРИЖА

	Кириш	6
I БОБ	Ўзбекистонда интернет технология ва электрон тижоратдан фойдаланиш ҳолати	
1.1	Ўзбекистонда Интернет технологияларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлили	10
1.2	Интернет тармоғи ва технологияларидан тижоратда тутган ўрни	15
1.3	Интернет технологиялари ёрдамида электрон савдо ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш истиқболлари	19
1.4	Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари	26
	I бобга хулоса	27
II БОБ	Хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ташкил этиш технологияси	
2.1	Сервис хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ташкил этиш тамойиллари	28
2.2	Фото ва видео хизмати маълумотлар базаси ва сервердан фойдаланиш	33
2.3	Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси веб сайтини дастурий таъминоти	41
2.4	II бобга хулоса	49
III БОБ	Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти реклама веб – сайтнинг иқтисодий самарадорлиги	
3.1	Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилот веб сайтини интернет тармоғига улаш технологияси	50
3.2	Фото ва видео хизматида буюртма олиш ва электрон тўловни амалга ошириш	57
3.3	Фото ва видео хизматида ахборот хавфсизлигини таъминлаш	64
3.4	III бобга хулоса	67
IV БОБ	ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
4.1.	Ишлаб чиқариш муҳотида микроиқлимнинг инсон организмига таъсири	68
4.2.	Ишлаб чиқаришда ёнғин хавфсизлиги	75
	Яқуний хулоса	80
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82
	Илова	84

Кириш

Бугунги куннинг долзарб муоммаларидан бири жаҳон бўйлаб хукм сураётган молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олишга асос бўлган омилларни аниқлаш ва тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ахборот асрида бу жараён янада фаоллашди. Биргина интернет тизими бутун ер юзини ўргимчак тўридек камраб олганини ортикча изоҳлашга ҳожат йўқ. Ахборот технологияларининг мислсиз тараққиёти дунё миқёсида яхлит ахборотлашган жамият шаклланишига олиб келгани исбот талаб қилмайдиган воқеяликка айланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, дунёнинг турли нуқталарида яратилаётган илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни камраб олиш жараёни шиддат билан давом этмоқда. Бу жараёндан четда қолмаган Ўзбекистонда ҳам Интернет халқаро тармоғидан фойдаланувчилар сони 2009 йил бошига келиб 3 миллиондан, ошиб кетганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай шароитда, республикамизда ва бутун дунёда фаолият кўрсатаётган веб-саҳифаларда электрон тижорат соҳасига оид ўзгаришлар ва янгиликлар, фирма ва корхоналар фаолияти ҳам кенг ёритилиб, барчамизни яқиндан таништириб боришда муҳим ўрин тутмоқда. Бу глобал тармоқ бугунги кунда виртуал кўринишда тижорат юритишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда электрон-бизнес ва электрон-тижорат кучли рақобат дунёларидан бирига айланди. Ҳаридорларга қулайликларни таклиф қилиш, шахсийлик ва олий даражадаги хизмат тақдим этиш кўпгина online бизнесларнинг муваффақиятида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаридорлар билан муносабатларни бошқариш ҳаридорларга хизмат кўрсатишда самарали мулоқотни яратиш, маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш ва турли қийинчилик ечимларини излашга йўналтириш орқали таъминлашга қаратилади.

Электрон тижорат деганда глобал ахборот тармоғи ёрдамида маҳсулотларни тақдим этиш ва тўлов хизматларини амалга ошириш тушунилади.

1. Электрон тижорат соҳасида кенг тарқалган хизмат бу ахборот (маълумот) сотиш, масалан, маълумотлар базасига мурожаат этишдир. Бу ҳозирги даврда on-line режимдан фойдаланиш билан амалга оширилади.

2. Чет элларда электрон тижоратнинг кенг тарқалган тури - электрон магазинлардир. Одатда электрон магазинлар Web-сайтларни ташкил этади, унинг таркибида маҳсулотлар рўйхати, яъни каталоги мавжуд, ҳаридорнинг айланма «аравачаси» бўлиб, унга маҳсулотлар йиғилади, тўлов воситаси интернет тармоғи орқали кредит карточка рақамини кўрсатиш ёки телефон орқали амалга оширилади. Маҳсулотни ҳаридорга етказиб бериш почта орқали, маҳсулот электрон кўринишида бўлса (масалан, турли дастурий таъминот), у ҳолда бу жараён бевосита электрон почта тизимида ёки тўғридан-тўғри Интернет тармоғида Web-сайт орқали амалга оширилади.

3. Электрон тижоратнинг янги кўринишлари «электрон банклар» юзага келмоқда. Электрон банкнинг энг асосий афзаллиги сифатида бундай банкни ташкил этишнинг паст баҳодалиги (масалан, юқори савиядаги бинони аренда қилиш, қимматли маълумот ва маҳсулотларни сақлаш шарт эмас) ва кенг оммани жалб қилиш, электрон банкнинг салоҳиятли мижози Интернетдаги ихтиёрий фойдаланувчи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам электрон банк мижозга оддий банкка нисбатан фойда келтиради, фоизда кам ҳақ тўлаш билан кенг доирадаги банк хизмати (масалан, электр энергия газ, сув ва х.к.) ни таклиф этади.

Электрон тижорат электрон бизнеснинг бир қисми бўлиб ўзида ҳамкорлар, банклар етказиб берувчилар ва маҳсулот, хизмат истеъмолчилари билан ўзаро алоқа воситаси сифатидаги электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда буюртмаларни амалга ошириш ва тижорат фаолиятини юритишдаги ташкилий ва техник формалар мажмуини акс эттиради. Электрон тижоратнинг бир қанча афзалликлари мавжуд: маълумот олиш тезлиги

ошади айниқса халқаро операцияларда; ишлаб чиқариш ва сотув циклининг қисқариши, яъни энди ҳар сафар аввал олинган ҳужжатларни қайта киритиш зарурати йўқ, натижада хатоликлар юз бериши эҳтимоли камаяди; нисбатан арзон коммуникацион воситалардан фойдаланиш эвазига маълумот алмашиш харажатлари камаяди; Электрон тижорат интернет технологиялардан фойдаланишда компаниянинг мижозлар билан муносабатда нисбатан очикроқ бўлишига имкон беради; маҳсулот ва хизматлар ҳақида ахборот маҳсулотлари ҳақида мижозлар ва ҳамкорларни осон ва тез хабардор қилишга имкон беради; сотувнинг альтернатив каналларини яратишга имкон беради, масалан корпоратив сайтда электрон дўкон орқали.

Ҳозирги корхоналар ва хусусий корхоналарнинг асосий мақсад ва муаммоси, рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ортиқча харажатларни камайтириш, хизмат кўрсатиш жараёнларини қулай тартибга келтиришдан иборат. Бу муаммони ечишнинг асосий йўлларида бири, замонавий усуллар ва Интернет технологиялари воситаларидан фойдаланишдир.

Бугунги кунга келиб корхоналарнинг замонавий бозор иқтисодиёти шароитида бошқа рақобатдош корхоналар билан беллаша олиши, ўз нуфузи ва обрўсига эга бўлиши замон талаби бўлган янги ахборот технологияларини қўллаш орқали анча тез ва енгил амалга оширилади. Бунда фирма ва корхоналар бутун дунё тармоғи орқали ўзларини танитишлари, маҳсулот ва хизматларини таклиф эта олишлари, мижозларга эга бўлиш ва улар билан муносабат олиб бориш муҳитига эга бўладилар. Бу эса ҳар иккала томон савдо иштирокчилари учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

Мавзунинг долзарблиги - Интернет технологиялари ёрдамида мижозлар ва ҳамкорларни ўз лойиҳалари ва хизматлари билан яқиндан таништириш, улар билан тижорат ишларини виртуал оламда олиб бориш тизимини ташкил этиш, бу тизимни бошқариш услуб ва усулларини таҳлил қилиш, ўрганиш, электрон тижорат юритишда ҳар иккала томон савдо

катнашувчиларига таалукли бўлган масалалар, муаммолар, келишувларни олиб боришлари учун қўлланадиган мухитни лойиҳалаш, тизим ишини ташкил этиш стратегиясини аниқлаш, электрон бизнеснинг бугунги кунда бутун дунёда, жумладан Республикамиздаги аҳволи, мавжуд муаммолар ва истиқболга эришиш таҳлили, миқозларга замонавий услубда яратилаётган электрон дўконларни ривожлантириш мақсадида фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари реклама веб сайтидан фойдаланиб, қулай интерфейсни яратиш усуллари ва тамойилларини, уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш, таҳлил қилиш, шу билан бирга лойиҳалаштиришда фойдаланиладиган дастурий воситаларнинг муҳокамаси кўриб ўтилади. Ишнинг натижасида фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламалари учун интернетдаги фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришнинг веб саҳифаси ишлаб чиқилади.

I.БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДАН ФЙДАЛАНИШ ХОЛАТИ

1.1. Ўзбекистонда Интернет технологияларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлили

Интернетнинг ривожланиши билан унинг имкониятлари янада ортиб бормоқда. Электрон тижорат савдосини ҳам Интернет орқали амалга ошириш, ҳозирги кунда электрон даромаднинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Электрон тижоратнинг ривожланиши ҳозирги пайтда социал-иқтисодий прогресснинг энг муҳим воситаси бўлган, ахборот коммуникацион технологиялар соҳасида кенг ривожланишнинг асосий белгиси ҳисобланади. Бунинг натижасида бозор қатнашчилари ўртасидаги ахборот алмашилишида ва битимлар тузишидаги ҳаражатларни қисқартириш мумкин.

Ўзбекистонда кўплаб йиллар мобайнида бизнесни ва бизнесга хизмат қилувчи бозор инфраструктура қурилмаларини қўллаб-қувватлашда АКТ дан фойдаланилмоқда. Хусусан, бу технологиялар ёрдамида акциялар, кўчмас мулк, техник ва кундалик ҳаётда ишлатиладиган маҳсулотлар электрон савдо-сотик жараёнлари олиб борилади. Тижорат банклари ва бошқа молия ташкилотларида клиентларга хизмат кўрсатишнинг электрон тизимлари ташкиллаштирилган.

Ўзбекистон ҳукумати электрон савдо-сотик АКТни қўллашдаги муҳим истиқболли йўналиш сифатида кўриб чиқмоқда. 2010-2015 йил ичида компьютерлаштириш ва ахборот коммуникацион технологияларни ривожлантириш дастури иштирокини кенгайтиришдир.

Электрон тижорат АКТни қўллаш мақсадида мамлакатнинг ноқулай географик ўрни, муҳим савдо коммуникация ва миллий бизнесимизнинг ривожлантиришдаги бошқа ноқулай факторларни четлаб ўтишга имкон беради. Жаҳон иқтисодиётида охириги йилларда кузатилаётган электрон тижоратга бўлган қизиқиш сусайганига қарамай, бу сектор жуда қизиқарлидир, чунки электрон тижоратнинг ривожлантирилиши маҳсулот

алмашилини сезиларли кучайтириб, баъзи бир маҳсулот ва хизматларга бўлган информацион вакуумни йукотиши мумкин.


Электрон тижорат мурожаатга чиқимларни 20-30% га тушириш имкониятини беради. Бундан ташқари у товар ва хизматлар бозорида амалга ошириладиган операциялар шаффофлик даражасини оширишга, рақобат мухитининг ривожланишини ва ресурсларга бир хил ижозатни таъминлашга, ўзбек ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқишини тезлаштиришга, тадбиркорлик фаолиятида янги стандартларни жорий этилишига имкон беради.

Фаолият кўрсатиш самарадорлиги бизнес учун ўта муҳим омил ҳисобланади. Қаттиқ рақобат мухити мавжуд бўлган бир шароитта энг самарали компаниялар яшаб қолиши ва фойда келтириши мумкин. Бошқалар сингари натижаларга эриша олмайдиганлари инқироз бўлишига маҳкум этилгандир.

Шу сабабли ҳамма даврларда бизнес самарали бўлиши, фойда келтириши ҳамда мижозлар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқани таъминлаши керак. Барча даврларда муваффақиятли фаолият юритган корпорациялар коммуникация ва бошқарувнинг ҳар хил технологияларини ривожлантиришга фақат ўз бизнесини янада самаралироқ қилиш учун анча инвестициялар қўйиб келишган.

Жумладан бугунги кунда ривожланган мамлакатларда Интернет орқали йирокдаги мижознинг ҳисоб рақамларига кириб боришни таъминлайдиган замонавий банкларни тасаввур қилиш қийин. Бунинг ёрдамида мижозлар уйдан ёки офисидан чиқмасдан пул жўнатмаларини жўнатиш, ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисида ахборот олиш имкониятига эгадирлар. Бу уларни банк филиалига боришдан, навбатда кутиб туришлардан халос қилади ва вақт, асаб ва пулни тежайди. Банк эса, ўз навбатида, ўз вазифаларини анча кам сонли ходимлар билан хал эта олиши мумкинлигидан фойдаланади. Чунки Интернет воситасида пул жўнатишда тўловни мижозларнинг ўзлари расмийлаштирадилар, бу банкни тўлов

топшириқларини банк ходимлари қўлда бажаришлари заруриятдан халос қилади(Расм 1.1).



Расм 1.1. Интернет сайт архитектураси

Бунда барча иштирокчилар мижоз ҳам, сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ҳам ютади. Банк ўз иши тезкорлигини оширади, боз устига анча маблағларни тежайди. Мижозлар эса юқорироқ сифатли хизматлардан фойдаланадилар, боз устига анъанавий банк схемеларига қараганда анча тез хизматлардан фойдаланишдан хурсанд. Рақобат шароити амалда банкларга танлаш имкониятини бермайди: улар самарали ишлаш учун ахборот технологияларини жорий этишлари керак ёки бўлмаса бозордан сиқиб чиқарилишлари керак ва фойда кўриб ишлай олмайдилар, чунки ўз мижозларининг анча қисмидан айриладилар.

Электрон тижорат ишлаб чиқарувчилардан рақобатбардош маҳсулот ва хизматларини кўрсатишни талаб қилади. Хусусан Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилот маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи компаниялар ҳам электрон тижоратдан ўз хизматларига савдодан олдин ва кейин хизмат кўрсатишни таклиф этиш учун фойдаланадилар, яъни ўз маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш ва харидор сўровларига тезда жавоб бериш керак.

Электрон тижоратнинг асосий қулайликларидан бири савдо жараёнидаги харажатларни камайтиришдир. Савдо жараёнларини электрон кўринишга олиб борилиши вақт ва харажатни камайтириб, харидорлар учун нархларни камайтиришга олиб келади. Янги бизнес моделлар - виртуал ташкилот, виртуал агент, аутсортинг ва виртуал ишлар технологиялари тижорат ишларининг самарадорлигини анча оширади. Бундан ташқари электрон тижорат янги хизмат турлари ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига олиб келади.

Электрон тижоратда товарлар ва хизматлар шакли икки турда бўлади: моддий ва номоддий. Номоддий маҳсулотлар (дастурий таъминот, патентли ахборот, бино проектлари ва х.к) интернет тармоғи ёрдамида тўғридан – тўғри узатилади, номоддий хизматларни тўғридан – тўғри тармоқда бажарилиши мумкин (транспорт чипталари, мехмонхоналардан жой эгаллаш ва х.к). Интернет технологиялардан номоддий маҳсулот ва хизматларни етказиб беришда қўллаш иш жараёнини тезлаштиришга олиб келади.

Интернет миждозларга номоддий товарларни етказиб беришда транспорт вақтини тежашларига ёрдам беради. Товар етказиб бериш схемаси “ишлаб чиқарувчи – дистрибютер – дилер – истеъмолчи” дан иборат. Интернетдан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони шуки, масалан мебел буюм маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлган харидор тўғридан тўғри ишлаб чиқарувчига мурожаат этади ва ундан товар ёки хизматни қабул қилиб олади, албатта етказиб берувчиларни ҳисобга олган ҳолда.

Дунёдаги бирор - бир мамлакат тараққиётини ахборот алмашинувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот алмашинуви кишилик жамиятининг турли тарихий босқичларида ҳам муайян шаклда ривожланиб келган. Бугунги ахборот асрида эса бу жараён янада фаоллашди. Биргина интернет тизими бутун ер юзини ўргимчак тўридек қамраб олганини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Ахборот технологияларининг мислсиз тараққиёти дунё миқёсида яхлит ахборотлашган жамият шаклланишига олиб келгани исбот талаб қилмайдиган воқеликка айланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки,

дунёнинг турли нуқталарида яратилаётган илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан давом этмоқда. Бу жараёндан четда қолмаган Ўзбекистонда ҳам Интернет халқаро тармоғидан фойдаланувчилар сони 2008 йил бошига келиб 2 миллиондан ошиб кетганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай шароитда, республикамизда ва бутун дунёда фаолият кўрсатаётган веб-саҳифаларда дунёвий воқеа-ҳодисалар ва шу қаторда электрон тижорат соҳасига оид ўзгаришлар ва янгиликлар ҳам кенг ёритилиб, барчамизни яқиндан таништириб боришда муҳим ўрин тутмоқда. Шу қаторда, электрон тижорат юритишда интернетда хусусий фирма фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришда веб – саҳифаларнинг ўрни алоҳида. Демак, муҳим ахборотларни ҳозиржавоблик, тезкорлик ва холислик билан етказиб бериш ва самарали электрон тижорат юритишда интернет технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ айнан глобал тармоқ электрон тижоратнинг ривожланишига қаттиқ туртки берди ва у катта корпорацияларгагина эмас, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ҳамда алоҳида шахсларга ҳам фойдаланиш имкониятини берди. Бу билан эса етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирасини электрон тижоратга жалб этиш мумкин бўлди. Электрон тижорат кундан — кунга товар ва хизматлар ассортиментини ошира бошлаган сари алоҳида шахсларни, корхоналарни, соҳаларни, давлат муассасаларини ва ниҳоят давлатларни бир ҳамжамиятта бирлаштириб, ҳамкорларнинг ўзаро таъсири ахборот ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида самарали ва тўсиқларсиз рўй беришига имкон берди.

Электрон тижорат бу бизнеснинг шундай бир турики, у тез ва тежамли йўл билан юритилади ва Интернет технологиялари, умуман, Интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Масалан: чет элда, хусусан, дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида бу ноодатий бўлган товарлар ва хизматлар савдо-сотиғи билан юз миллионлаб кишилар шуғулланади,

электрон дўконларнинг сони эса ўн минглабларни ташкил этади. Умуман, шу соҳада айланадиган пул миқдорини ҳисобласак, бир неча триллион АҚШ доллари билан ўлчанади.

1.2. Интернет тармоғи ва технологияларидан тижоратда тутган ўрни

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари жадал суратда ривожланиб, ҳар бир соҳага кириб бориши уларнинг инфратузилмасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу йўлда ахборот технологиялари ёрдамида соҳани, хусусан, тижорат соҳасида изчил амалга оширилмоқда. Бу эса электрон тижорат тараққиётига бевосита боғланиб бормоқда.

Электрон тижорат технологияси орасида кенг қўлланиши кутилаётган йўналишлар:

- электрон пул ёрдамида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш механизми;
- электрон давлат тузишни амалга ошириш концепцияси;
- географик жихатдан тармоқланган иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини юритиш технологияси;
- келишувнинг маълум босқичида томонларнинг аниқланиши, керакли маълумотларни йиғиш, филтрдан ўтказиш ва маълумотларни айланма ҳаракати технологияси.

Бундай технология тармоқдан фойдаланувчисига ахборот юкламасини камайтиради, келишувда тезлик ошади ва ўзаро боғланиш сифати ошади. Тижорат юритишда интернет технологияларининг афзалликлари: ХХІ аср техника асри, компьютер технологиялари асри, инсоният хали билмаган даражада тез ривожланиб бораётган давр. Одамларнинг моддий фаровонлиги ва албатта оммавий ишлаб чиқариш, асоси авваламбор технологиядир. Ҳозирда яна бир технологик юксалиш – бу Интернет. Интернетнинг бизнес учун аҳмиятини компанияларнинг турли рейтингларига қараб баҳолаш мумкин. Бу каби рейтингларнинг кўпчилигида “Yahoo” ёки “Amazon.com” сингари ҳақиқий «виртуал» компаниялар етакчилик қилади. Хўш, Интернетнинг жозибаси нимада? У бизнесга нима беради ва бермоқда деган саволни таҳлил қиладиган бўлсак?

Биринчидан, Интернет-бу оммавий ахборот воситаси. Энг мухими, оммавий ахборот воситалари бизнесга рекламани жойлаштириш имкониятини беради. Қолаверса, бу жихатдан олиб караганда интернетнинг телевидения, радио ва хакозоларга караганда афзалликлари кўп. Веб-сайтлар телевизион каналлар ёки хатто аниқ тематик кўрсатувларга караганда «ихтисослашганроқ» бўлади (бу борада Интернетга газета ва журналларгина тенглашиши мумкин). Бу эса рекламага кетган харажатларнинг самарасини беради. Мазкур ҳолатда «Рекламаларимнинг ярми ҳеч кимга керак эмаслигини биламан; фақат айнан қайси қисми эканлигини билолмайман» тамойили асосида ҳаракат қилиши шарт бўлмайди.

Сўнгги пайтларда Интернетдан қидирув тизимларида контекстли, яъни маънога қараб чиқувчи ва ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотлари савдосини рекламалари машҳур бўлмоқда. Масалан: Яндекс тизимида керакли маҳсулот номини қидирувга берганда автомобил ёки бошқа нарсанинг эмас, айнан шу маҳсулотга тегишли бўлган маҳсулотлар рекламаларини ёки уларни маълумотларини (ВЕБ сайтини) кўриш мумкин.

Иккинчидан, Интернет-савдо учун қулай восита, гарчи бу амалиёт Ўзбекистонда ҳали яхши ривожланмаган бўлсада, Европа ва Осиё давлатларида аксарият одамлар маҳсулотларни Интернет орқали харид қиладилар. Интернет-магазинга кўп харажат ҳам қилинмайди. Ижарада пули ёки кўп ходимлар керак эмас. Интернет-магазинга бир нечта оператор ва маҳсулотларни харидорларга етказувчи курьерларгина кифоя қилади ва ниҳоят, Интернет-магазин харидор учун ҳам жуда қулай.

Учинчидан, Интернет-бу компанияларга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз истеъмолчиларини ўрганишга имкон берувчи ниҳоятда қулай восита ҳисобланади. Албатта, бу ерда гап виртуал компаниялар эмас, балки, ишлаб чиқарган ўз маҳсулотини электрон савдо орқали ташкиллаштириш хусусида бормоқда. Улар учун Интернет шундоқ ҳам улкан бўлган бизнесга шунчаки бир камтарона қўшимчадир.

Ўзбекистон бўйича давлат статистикасига ва оммавий ахборот воситаларига таянадиган бўлсак 2008 йил июлига 31 мингдан ортиқ йирик ва ўрта турдаги ташкилотлар Ўзбекистондаги электрон тижорат иштирокчиларидир. Уларнинг 14 мингдан ортиғи ўзининг web-сайтига эга (бу 2006 йилга қараганда икки баробар кўп).

Шу билан биргаликда Интернетнинг ўзбек сегментида 30га яқин web-сайтлар “Бизнес-Харидор” соҳаси электрон тижоратга давогарлик қилмоқда. Улар асосан озик-овкат маҳсулотлари, электроника ва хўжалик юмушларини сотишга ихтисослашгандир. Электрон савдолар ҳажмига келсак, унинг давлатнинг умумий савдолар ҳажмидан улуши ўзгармас бўлиб қолмоқда (1% атрофида), чунки энг асосий муаммолардан бири бўлиб ташкиллаштириш ва тўловни амалга оширишда бир қанча ноқулайликлар бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби жуда кам пластик карточкалар ишлатилишидир. Умуман, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган карточкалар дебет бўлиб, бу Интернетдан фойдаланувчиларнинг заём кучини кескин камайтиради. Бундан ташқари жуда кам терминаллар ишга туширилган: уларнинг миқдори 2007 июлга келиб ошган бўлса ҳам атиги икки мингдан ортиқроқни ташкил этган. Лекин сўнги йилларда оммавий пластик картага ўтиш жараёни кескин кучайди. Ривожланган япония мамлакатини мисол қилиб оладиган бўлсак, 15 йил пластик картага ўтиш жараёнини, юртимизда 2-3 йилда яхши кўрсаткичларга эришдик. Бу жараён бугунги кунда ҳам жадал суратларда олиб борилмоқда, фақат техник таъминотнинг орқада қолиши қисман вақт талаб этмоқда. Шу билан биргаликда айтиб ўтиш жоизки, кредит карталар ёрдамидаги нақд пулсиз ҳисоблар тизимини ривожлантиришни давом эттириш мақсадида уларни чакана савдо соҳасида кўллашда, коммунал ва бошқа турдаги хизматларни тўлашда, шунингдек пул воситаларининг банкдан ташқари айланишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қуйидаги ҳисоб тизимини ривожлантириш бўйича кўшимча чораларни қабул қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 29 сентябрь 2004 йилдаги “Пластик карталарга асосланган тизимни ривожлантириш бўйича

чора тадбирлар тўғрисида” буйруғига биноан чакана савдо ва хизматлар жойини, бошқа пойтахтдаги, туман ва вилоят марказларидаги нақд пул қабул қилиш жойларини терминаллар билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилмоқда.

Электрон тижоратнинг юзага келиши одатда кечаётган иқтисодий жараёнларга назарий ва амалий жihatдан ўз таъсирини кўрсатмоқда. Савдода иштирок этувчилар орасидаги масофа йўқолиб бормоқда. Тижорат фаолиятини олиб бориш механизми бутунлай бошқача усулда амалга оширилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

№	Одатдаги тижорат фаолияти механизми	Электрон тижорат фаолияти механизми
1	Қоғозли хужжат алмашинуви	Электрон хужжат алмашинуви
2	Телефон алоқа	Компьютер тармоғидан фойдаланилган автоматлаштирилган алоқа
3	Одатдаги почта	Электрон почта
4	Кўчадаги рекламалар ва оммавий ахборот воситаларидаги реклама	Одатдаги реклама электронлашган ҳолда тўлдирилади (баннерная реклама, мурожаат этиш билан алмашиниш, вирус дастурлари маркетинги ва ҳаказо)
5	Шахсий компьютердан ҳисобга олиш ва хужжат алмашинуви соҳасида фойдаланиш	Хўжалик фаолиятида фойдаланувчи барча компьютер техникаси глобал тармокка шахсий веб ва маълумотлар базаси-сервери орқали боғланган. Бу ўз навбатида молиявий бошқариш ва маълумот олишда таъсир этувчи географик факторларни четлаб утади.
6	«Хаётий» муҳр ва имзо.	Электрон имзо келишув ишларини юритишда бир жойда иштирокчиларнинг йиғилиши заруратини йўқотади.
7	Нақд пул ва одатий нақд булмаган пулларни банк тизими орқали узатиш.	Электрон тижорат тизимида мижоз-банк, интернет-банк, электрон пул ва пластик картадан фойдаланилади.
8	Харидорларни сегментларга булиниши, оммавий харидорларга (талабларга) мослашиши.	Хар бир харидорнинг талабига қараб мослашиши
9	Ўхшаш усуллар йўқ	Харидорга хабар бериб ташкиллаштириш.
10	Бирон-бир йуналиш буйича ходимларни локал офисларга йиғиш.	Видео лавхалар механизми, мобиль (ҳаракатдаги) тижорат ва тармокланган ташкилотлар яратиш.
11	Билим олиш ва янгиликларни ўзлаштириш таянчи.	Хаёт мобайнида узлуксиз ўқитиш жараёни.

12	Хавфсизлик ва муътадилликка таянч	Муътадиллик, тавакалликка тайёр туриш, доимий такомиллашга мойиллик.
13.	Эски иш жойларини саклаб қолишга мулжалланиш (қаратилиши)	Янги иш жойини яратишга мулжалланиши (қаратилиши)
14	Барча тижорат жараёнларини ташкилот кучи билан амалга ошириш	Аутсорсинг
15	Маблагга таянишни асосий курсаткичлари: маблаг, энергия, материал хажми ва х.з.	Билимга ва интеллектуал маблагга таяниш курсаткич-маълумот хажми. Маблаг ишчи восита ва ишлаб чиқариш фактори булиб қолмоқда.
16	Одатий ташкилот эгалари актив ахборот технологияларига эга.	Тармоқланган ташкилотлар актив ахборот технологияларига киришни ижарага олишлари мумкин.
17	«Ютиш-ютказиш» тамойили (келишувда бир томон ютади, бири ютказди) ва тенглик ҳар икки томон ўз харажатларини қўлга киритишга ҳаракат қилади.	«Ютиш-ютказиш» тамойили, бунда ҳар икки томон келишувда фақат фойда кўради.

1.3. Интернет технологиялари ёрдамида электрон савдо ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш истиқболлари

Бугунги кунда Интернет орқали ҳар қандай маҳсулотларни электрон кўринишда савдони амалга оширганда унинг моделларига асосланган ҳолда иш олиб боради. Қуйида электрон тижоратни юритишнинг замонавий моделларини, бунда фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси ҳарактерли хусусиятлари ва ўзаро алоқалар ишлаш принциплари мисолида кўриб чиқамиз.

Электрон тижоратни юритиш моделлари синфлари. Ҳозирги кунларда турли хил электрон тижорат юритиш моделлари, кўпчилик давлатларда, иқтисодиётнинг турли йўналишларида, турли хил кўринишдаги (катта, кичик, ўрта) корхоналарда, давлат фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасида ишлатилади. Электрон тижорат иш юритиш моделларининг умумий қабул қилинган синфлари, иш олиб борадиган томонларнинг иш жараёнига асосланади, яъни буни шартли равишда “ишлаб чиқарувчи” ва “ҳаридор” деб номлаш мумкин бўлади. Синфларга бўлишдан мақсад, электрон тижоратни юритиш моделлари ишлаб чиқарувчи ва ҳаридорнинг аниқ кўринишлари бўйича фарқланади.

Ишлаб чиқарувчи ва харидорлар гуруҳига қуйидагилар киради:

- Давлат (Government).
- Компания (Business).
- Мижоз, харидор (Consumer).
- Ҳамкор (Partner).
- Корхона ходими (Executive).

Моделлар номланиши ишлиб чиқарувчи ва харидор номларидан олинади, масалан, инглиз тилида Business to Business ёки ўзбек тилида Компания – Компания, Business to Consumer ўзбек тилида Компания – Харидор ва ҳаказо. Моделларнинг қисқартирилган номланиши ишлаб чиқарувчи ва харидорнинг инглизча номининг бош ҳарфлари олинади ва орасига 2 сони қўйилади, масалан, B2B ёки B2C.

Электрон тижорат иш юритиш моделларининг синфларининг шу тартибда қуриш вариантларидан бири шунини айтиб ўтиш керакки, электрон тижорат моделларининг тузилиши, ҳозирги кундагидан қисман фарқ қилади. Иқтисодий ривожланган давлатларда асосан электрон тижоратнинг B2B, B2C, B2P, B2E, C2B, C2C, B2G, G2P моделлари ишлатилади. G2B (давлат - компания) ва P2G (ҳамкор - давлат) моделлари кам қўлланилади.


B2G ва G2C моделлари. Бу электрон тижоратнинг электронлаштириш жараёнларига давлатни ҳам иштирок этишини таъминлашнинг янги моделлари ҳисобланади. АҚШда масалан бу моделларни ривожланиш “Electronic Government” концепциясига асосланади, бу “Электрон тижорат бўйича Президент директиваси” (июль 1997 йилги) да ва бошқа бир қатор давлат давлат ҳужжатларида кўрсатилган йўналишларга таянади.

АҚШ давлат органлари ишларини ташкил этишда электрон тижоратнинг потенциал ўрнини қуйидагича белгилаш мумкин. Бир тарафдан B2G секторида электрон тижоратни қўллаш давлат аппарати иш фаолиятини молиялаштириш ва ташкилий ишларидаги камчиликларни камайтиради. Бошқа тарафдан G2C секторида электрон тижоратни юритиш, фуқаролар билан ишлаш жараёнини анча енгилаштиради ва бошқарув органлари

ишларининг “очиқлиги - мусоффолиги” таъминланади. Бунда бу каби ишларни инфраструктураси ва хизмат кўрсатиши шахсий компанияларга юклатилиши назарда тутилади.

Биринчи навбатда электрон тижорат воситалари солиқ йиғиш, фуқароларга керакли маълумоларни бериш, шартномаларни имзолаш ва шу каби ишлар хажмини камайтириш ва бу жараёнларни тезлаштириш учун ишлатилади.

Бу ҳозирда қўлланилиб келинаётган назарий ва амалий мумкин бўлган электрон тижорат моделлари синфлари қуйдаги расмда келтирилган.




1.2-расм. Электрон тижорат моделлари синфи.

Электрон тижоранинг бу секторида йирик компаниялар IBM, Ариба ва Commerce One ўз лойҳаларини эълон қилишган. Бундан ташқари бошқа компаниялар бу соҳада ўз ишларини олиб бормоқда. Масалан FedCenter.com федерал ҳукумат учун электрон бозор ишларини олиб боради. MyGovClub.com ҳукумат, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун

шахсий ресурслар вазифасини бажаради, PowerTrust.com энергетика бозорида электрон оператор бўлиб хизмат қилади, StateGovCenter.com штатлар ҳокимияти ва ҳукумат органлари учун керакли бўлган маҳсулотлар харид қилиш электрон бозори ҳисобланади.

Кенг тарқалган электрон тижорат юритиш моделлари қуйидагилар:

- B2B - «компания - компания»;
- B2C - «компания - ҳаридор»;
- C2C - «ҳаридор - ҳаридор»;
- C2B - «ҳаридор - компания».



1.3-расм. Кенг тарқалган электрон тижорат юритиш моделлари.

“Компания - Компания” моделининг муҳим жиҳатлари B2B модели бўйича электрон тижоратни юритиш ўзаро алоқаларда, иш жараёнда тўлиқ автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш самарали натижаларни беради. B2B модели 30 йил аввал яратилган бўлиб, ҳозирда жаҳонда кенг тарқалган модел ҳисобланади.

B2B модели икки хил мақсадларда ишлатилади. Биринчидан, икки ва ундан ортиқ компаниялар ўзаро савдо жараёнларида иштирок этишса, B2B модели қўлланилади. Масалан, компания интернет орқали ўз таклифларини юбориши, шартнома тузиши ва ҳисобни амалга ошириши мумкин.

Иккинчидан, В2В секторидан электрон тижоратни юритишни ривожланган тизимларининг муҳим хусусияти, ахборот тизимлари ва корпоратив тизимлари билан интеграциясидир. Бу билан харид ва харажатлар жараёнигина эмас, бутун компанияни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш таъминланади.

Электрон тижоратнинг ушбу модели электрон тижоратнинг энг самарали соҳаси ҳисобланади. Ички бозорда электрон бизнес ишларини юритиш, давлат ишлаб чиқарувчилари орасидаги янги тижорат алоқаларини ўрнатиш имконини беради, шу билан бирга, бир давлат миқёсидаги ишлаб чиқарувчилар хом-ашёлар ва қурилмалар билан таъминланиш жараёни чет давлатлардан импорт қилиш билан таққослаганда анча енгиллашади. В2В моделининг халқаро миқёсидаги ўрни, давлатни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради.

В2В моделини қуриш ва унинг самарали ишлашини таъминлаш учун, бу модел қўлланиладиган бозор сегменти буни қабул қилишга ва жорий этиш масаласи ечимларини талаб қилади. Бу бозор сегменти маълум хажм, структура ва оммавийликка эга бўлиши керак. Албатта, шимолий Америка, шарқий Европа ва бошқа мамлакатлар хажм бўйича бозор кўрсаткичлари турлича бўлади. Агар Америка компаниялари В2В модели бўйича электрон тижоратни юритиш, бозорнинг йиллик даромади миллиардлаб доллар бўлган сегментларига йўналтирилган бўлса, бошқа давлатлар бу кўрсаткичга ҳали эга эмас.

Бозор ўз структурасига эга бўлиши керак, яъни (мева, металл, автосаноат ва шу каби структуралар) бир-биридан бозори, иштирокчилари билан фарқ қиладиган ва бунда уларга қўйилган аниқ қоидалар бўйича иш юритилади. Бозор яна оммавийликка эга бўлиши керак, агар бозорни компаниялар гуруҳи бошқарса ёки бозор монополиясига эга бўлса, бу бозор сегментида электрон тижорат юритишнинг В2В модели кутилган натижаларни бермайди.

Бозор сегментидаги турли хил компаниялар ва иштирокчилар ўз мақсадлари йўлида иш юритишади, лекин B2B моделини қўллаш ва унда ишлаш барча учун самарали натижаларни беради. B2B модели жорий этилган ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз маҳсулотларини, технологияларини сотишдан ва кейинчалик шу модел бўйича электрон тижорат ишларини олиб боришдан катта ютуқларга эришиш имкони юқори бўлади. Бу компаниялар ахборот ресурсларига эга бўлишлари ёки бунга тўла ҳуқуқли ҳамкори бўлиб қолади ва бу жараёндан даромад олишда иштирок этиш имконига эга бўлади.

Сотувчи ташкилотлар маҳсулотларни етказиб бериш занжирини қисқартириб, бозорни маҳсулотлар билан таъминлаш даражаси юқори бўлади, етказиш ҳаражатлари камайтиради ва ҳар бир буюртма билан алоҳида ишлаш имконига эга бўлади.

Ҳаридор – компаниялар етказиб берувчи ва маҳсулотларини бир жойдан олиш, сифатли маҳсулотларнинг, нархларини камайтириш имкониятларига эга бўлади.

Ҳозирги пайтда жаҳон бозорида электрон тижоратнинг B2B сектори ҳажми юзлаб миллиард долларга тенг бўлди.

“Компания - Ҳаридор” моделининг муҳим жиҳатлари. B2C модели ўз маҳсулот ва хизматларини бевосита ўз ҳаридорларига сотиш жараёнларида ишлатилади. Бу модел кўп қўлланилганлиги ва анча тушунарли бўлгани учун оммавий ахборот воситаларида кўп ёритилади.

Шу моделга аниқ мисол сифатида Американинг китоблар савдоси билан шуғулланувчи йирик Amazon.com фирмасини кўрсатиш мумкин. Бу фирма жаҳонда 30 млн. ҳаридорига эга. Амазон.ком ўз меҳнат доирасини кенгайтириш мақсадида, янги тармоқ таъминоти моделини яратди, бу модел жаҳоннинг барча давлатларидаги ҳаридорларига ўз маҳсулотларини етказиб бериш имконини беради. B2C модели катта шаҳарлар ва кичик регионлар аҳолиларини интернетга боғланиш ва тўловни амалга ошириш шартларида, маҳсулот ва хизматларга бир хил йўл очилишини таъминлайди.

B2B ва B2C лар орасида принципиал фарқлар мавжуд бўлиб, B2B модели қўлланилганда, контрагентлар (банклар, етказиб берувчилар ва бошқалар) кенг спектри жараёнда иштирок этади. Бу шуни англатадики, компания ходими компанияга зарур бўлган маҳсулот ёки хизматни ўрганиб чиқиши ва жараёнда иштирок этиши мумкин. Шу йўл билан талабни қўйишни, муддатни белгилаши ва етказилишини, ҳисобни олиб боришни режалаштириши мумкин бўлади, умуман олганда шу турдаги барча маълумотлар компания захираларини бошқариш тизимига киритилиши керак. Электрон тижоратнинг B2C моделини юритишда тижорат ишларини (харид, сотиш, тўлов ва ҳ.к.лар) интернет орқали олиб бориш, электрон тижоратнинг B2B модели каби кенг спектрдаги технологик ечимларни қўллаш талаб қилинади.[7]

B2C моделининг учта асосий хусусиятини санаб ўтаемиз:

Биринчи, кўп ҳолларда сотувчи савдо ишларини автоматлаштирилган тизимларсиз, ўзи, менежерлари ёрдамида олиб боради, кўпгина интернет дўконлар шу схемада иш олиб боради. Иккинчидан, бу модел учун ким хизмат кўрсатиши (жисмоний ёки юридик шахслар) фарқ қилинмайди. Бу моделда ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар иш олиб бориши мумкин. Учинчидан, Электрон тижоратни шу модел бўйича олиб боришни автоматлаштириш анча қулай ва осон ҳисобланади.

C2C (ҳаридор - ҳаридор) модели. C2C модели ҳаридорлар орасида ўзаро савдо ишлари жараёнида қўлланилади. Ҳаридорлар орасидаги шартномалар учинчи тараф – провайдер ёрдамида тез ва ишончли тузиш имконига эга бўлади. Шу моделда ишловчи йирик провайдерлардан бири Америка провайдери eбай.com ҳисобланади. Бу ерда ҳаридорлар орасидаги савдо жараёнлари интернет аукционлар кўринишида амалга оширилади. Бу йўналиш шартномаларни исталган вақтда амалга ошириш имконини беради, натижада ҳаражатларни анча қисқартиради.

C2B (ҳаридор-компания) модели. Бу моделда компаниянинг маҳсулот ва хизматлари учун қўйилган нархлар бўйича, ҳаридор ўз фикрини айтиши

мумкин. Бу модел бошқа юқорида кўриб чиқилган моделлар каби ривожланмаган. Моделга мисол қилиб Американинг Priceline.com компаниясини олиш мумкин. Бу компания ҳаридорга маҳсулот ва хизматлар нархларини белгилаш имконини беради. Priceline.com компанияси шу нархларда сотувчи фирмаларни топувчи брокер вазифасини бажаради.

1.4 Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистонда Интернет технологиянинг ривожланиши натижасида электрон тижоратни жалб қилиш ва ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ҳозирги кунга келиб ахборот технологияларнинг ривожланишидан савдо жараёнлари электрон кўринишда тус олди. Шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиб амалга ошириш имкони туғилди.

Мазкур битирув малакавий ишнинг мақсади фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари веб сайт яратишдан иборат. Ушбу кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

1. Мамлакатимиздаги Интернет фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси фаолиятини таҳлил қилиш;
2. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширишда Интернетдан фойдаланишни таҳлил қилиш;
3. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси турларини кўриб чиқиш;
4. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширишда рекламани ташкиллаштириш;
5. РНР технологияси асосида Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти Интернет рекламаси Web дизайнини ташкиллаштириш;
6. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширувчи веб сайт структураси;

7. РНР дастурлаш тили асосида Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширувчи веб сайтнинг хавфсизлик масалаларини ташкиллаштириш;

8. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг натижаси сифатида РНР технологиясига асосланган Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширувчи веб сайт яратилади.

I бобга хулоса

Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси – бу мамлакат иктисодиётининг бозор муносабатларига утиш жараёнида вужудга келадиган хизмат шакллари билан биридир. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси билан боғлиқ шарт-шароитлар ва масалалар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида ўз аксини топган. Ушбу қонунларга кўра Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси юқорида келтирилган тамойиллар асосида амалга оширилади.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширувчи интернет хизматларнинг ҳозирги ҳолати билан танишиб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасидаги Интернет хизматлар фаолияти таҳлил қилинди, Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини амалга оширишда Интернетдан фойдаланиш режалаштирилди ва Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини турлари кўриб чиқилди.

II. БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕКЛАМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1. Сервис хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ташкил этиш тамойиллари

Ҳар қандай маҳсулотларни сотишда рекламанинг ўрни катта. Реклама маҳсулотларни миждозларга таништиради ва сотиб олишга ундайди. Маҳсулотлар рекламасига ажратилган маблағлар доирасида жами реклама воситаларидан самарали фойдаланиш режалаштирилади. Ривожланган бозор шароитида реклама нархсиз рақобатнинг қудратли қуролига айланади, шу сабабли унинг харажатлари ишлаб чиқариш харажатларига қараганда тезроқ ўсиб боради. Республикамизда айрим савдо рекламаси бирлашмалари иш олиб бормоқда, кўпгина фото ва видео хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида эса реклама бўлимлари йўқ. Бу нотўғри фикр чунки реклама маҳсулот савдосини ташкил этишдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса фото ва видео маҳсулотлар рекламасини йўлга қўйиш улар учун нафақат ички бозор, балки хорижга маҳсулот сотишга ҳам имконият яратиб бериши мумкин.

Рекламани шундай турлари борки, у кенг оммага мўлжалланган эмас, балки таъсир доираси бироз чекланган. Бу усулдан фойдаланиш фирма учун доимий харидорларга эга бўлиш имкониятини беради. Мана шу усулни фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси билан шуғулланувчи фирма мисолида кўриб чиқсак. Айтайлик бирон бир фирма маҳсулотларини рекламага қўйди. Табиийки бунга аҳоли қатлами ва маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар қизиқиш билдиришади. Бунга қизиқиш билдирган ташкилотларни маҳсулотни сотиб олишга йўналтириш учун уларга ҳар хил чегирма ёки рағбатлантиришлар таклиф қилиш керак бўлади.

Ривожланган чет мамлакатларда бу ишлар илғор даражада йўлга қўйилган. Уларда ҳатто реклама учун маблағ сарфлашни ҳам ўзига хос усуллари мавжуд. Уларни мисол тарзида кўришимиз мумкин:

1. Белгилаб кўйилган фоиз усули. Рекламани маблағ билан таъминлаш ўтган йилги ёки бу йил кутиладиган савдо суммасидан муайян фоизини ажратишга асосланади. Аммо маҳсулот сотиш ҳажми камаядиган ҳолларда бу усул (реклама маблағи камайиб) ўзини оқламайди;

2. Рақибга мослашиш усули. Рекламага маблағ ажратиш рақибларнинг тегишли маблағларига мувофиқ келадиган даражада белгиланади. Бу усул реклама харажатлари билан бозордаги муҳсулотнинг солиштирма хиссаси ўртасида бевосита боғланиш борлигини назарда тутди. Ундан фойдаланиш самарадорлиги нисбий;

3. Энг кўп харажатлар усули. Реклама учун иложи борича кўпроқ маблағ ажратиш лозим. Бу усулни танлаш реклама харажатлари билан маҳсулот сотиш ҳажми ўртасида мустаҳкам сабабий боғланиш бўлгандагина ўзини оқлайди. Акс ҳолда харажатлар фирмага ортиқчалик килади.

4. Реклама харажатларига қараб маҳсулот оборотдан фойдаланиш усули. Маҳсулот обороти асосида фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси харажатлари математик моделларни танлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Маҳсулот оборотининг реклама фаолиятига маблағ ажратиш билан боғлиқлигини функция кўринишида тасаввур этиш мумкин.

Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасининг кўргазма ва ярмаркаларда қулай ва энг яхши томони - харидорларга маҳсулотни унинг хақиқий кифоасида тақдим этиш имконияти борлигидадир. Кургазма ҳам, ярмарка ҳам тижорат-томоша тадбирлари ҳисобланади. Уларнинг уртасидаги фарқ шундан иборатки кургазма исталган шаҳарда ҳар хил сабаблар билан, хатто товарсиз ҳам ташкил этилиши мумкин. Ярмарка эса қатъий суръатда ва мунтазам равишда бир жойда ўтказилади. Бундан ташқари, кўргазма ўз руҳига кўра асосан маърифий-тарғибот йўналишига эга, кўп ҳолларда унда "келажак маҳсулотлари" ҳам намойиш килинади. Ярмарка эса биринчи навбатда тижорат йўналиши билан ажралиб туради, унда хали талабдан қолмаган "эски" маҳсулотлар ҳам бўлиши мумкин. Бу кўргазма ва ярмаркаларда ҳар ҳил Фото ва видео хизмат кўрсатувчи ташкилотлар

катнашишлари мумкин. Бу ўз махсулотини реклама қилишни самарали усулларида ҳисобланади.



Расм 2.1. Интернет рекламасининг ривожланиш даражаси

Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламасини хорижий мамлакатларда ташкил этиш корхона махсулотларини дунё бозорларида сотиш имкониятини яратади. Хорижий давлатларда Фото ва видео реклама ишларини олиб бориш шу мамлакатининг чет эллардаги дипломатик консулхоналари, бошқа ваколатхоналари ва махсус марказлар томонидан ташкил этилади. Чет эллардаги эҳтимол тутилган харидорларга наъмуналар бўйича шартномалар тузиш учун экспорт махсулот наъмуналари намойиш этилади. Бундай кўринишда чет элларда ташкил қилинадиган рекламалар катта аҳамият касб этади. Бундай марказлар ўзлари жойлашган мамлакатда ихтисослаштирилган кўрғазмалар ташкил этиш бўйича кенг фаолият олиб боради: экспонент фирмаларга бепул кўрғазма майдонлари беради, ўз хисобидан кўрғазмани лойихалаш ва расмийлаштириш, очишни амалга оширади, кўрғазма иштирокчиларига бозордаги ҳолатлар ҳақида ахборот етказиб беради. Биз юқорида тўғридан-тўғри реклама ташкил этиш ҳақида

гапириб ўтдик. Энди буни буни интернет тармоғи орқали ташкил этишни кўриб чиқамиз.

Рекламани интернет орқали жойлаштириш усулини таҳлил қилиб кўрсак. Бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқариш маҳсулотлари кўплаб яратилади. Муболаға эмас бу маҳсулотлар чет эл харидорларини эътиборини ўзига жалб қилмай қолмайди. Бунинг учун реклама катта ўрин тутди. Мана шу ишларни яхши йўлга қўйиш учун эса тўғридан-тўғри реклама қилиш билан бир қаторда уни интернет орқали йўлга қўйиш лозим. Бу албатта оддий реклама усулига қараганда ҳам арзон ҳам тезкорлиги билан ажралиб туради.

Реклама саҳифаси ихтиёрий ташқи матнда процессор, ноширлик тизими ёки компьютер тақдими дастурларидан фойдаланган ҳолда яратилади. Яратилган ушбу саҳифа орқали фотосуратларни, видео, аудио, мультимедиа ёинки исталган кўргазмаларни намойиш этиш мумкин.

Рекламанинг яна бир тури мижозларга хабар юбориш. Хабарлар маълум бир шахсга жўнатилган бўлиши мумкин ёки бир неча ходимга бўлиши мумкин. Хабар материали ихчам тушунарли бўлиши шарт. Одатда бундай хабарлар бевосита мулоқотни юзага келишига ва мижозларни жалб этишга қаратилади:

1. Тижорат таклифлари – реклама материали бошқа реклама йўналишларидан фарқи шундаки, маълумот фирма фаолиятини тушунувчи шахсга қаратилган бўлади. Бунда бир ёки бир неча таклифлар келтирилади;

2. Ахборот варақаси – реклама материали маъноси ва кўриниши жихатидан хат рекламасига ўхшайди ва фирма иштирокчилари эътиборига қаратилган бўлади;

3. Открытка – бу реклама воситаси сифатида фойдаланилади. Унда реклама маҳсулоти ўз аксини топади, афзаллиги фирма тамғаси, яъни фото ёки видео келтирилган бўлади. Уни жўнатиш ёки тақдим этиш мумкин;

4. Газеталарда реклама бериш – бугунги кунда кенг ва оммавий тус олган реклама усулларидан бири ҳисобланади. Газета рекламасининг

афзаллиги кенг оммани таништиради, бахоси паст. Газета рекламаси катта аудиториялиги билан ажралиб туради, ахолини янги турдаги махсулот ва хизмат тури билан тезда таништириш қобилиятига эга. Бу турдаги реклама самара беришини тезда тасаввур этиш осон;

5. Тўғридан тўғри почта рекламаси – бошқа воситалардан фарқли ўлароқ кимга аниқ манзил бўйича юборишни билдиради. Реклама шакли ва таннархи келтирилади. Тўғридан тўғри почта рекламаси: реклама хати, конвертга солинади, почта открыткаси, проспекти, катологи, охири шароитда электрон почтадан кенг фойдаланилмоқда;

6. Оғзаки реклама – бу махсулот рекламаси, хизмати тўғридан тўғри мижоз билан амалга оширилади. Оғзаки рекламанинг турлари бу – телефон рекламасидир. Бу энг ноқулай лекин энг самарали турга киради. Шахсий мулоқотда оммани жалб қила олиш, мулоқот олиб бориш санъати, малакавий даражаси муҳим роль ўйнайди.

7. Плакат, афиша – график реклама воситаси, мақсад- кенг оммани фирма фаолияти билан таништириш.

8. Транспорт воситасида реклама – бу транспорт воситаси ташқариси ва ички қисмида жойлаштирилади.

9. Шахар транспорт шахобчаларида рекламани жойлаштириш. Рекламани яқин масофадан ўқилади.

10. Халқ хўжалиги махсулотлари рекламасидан фойдаланиш (гугурт коробкалари, пакетлари, ғилоф коробкалари).

11. Радиореклама - кенг оммага зарур ва талаб бўлган ҳолатда турли тоифадаги мижозларни жалб этишга қаратилган. Эркин мулоқот орқали кенг оммани ҳаёт тарзини инобатга олиб ташвиқот ишлари олиб борилади. Бу маълумотлар бир неча бор вақт ўтиши билан такрорланиши мумкин. Бу турдаги реклама кам сарф харажатларни талаб этади.

12. Реклама ва Интернет-саҳифа. Бугунги кунда рекламани Интернет сайтда жойлаштириш кенг тармоқ топмоқда.

Фирма ва компанияларнинг ўз фаолиятида электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиши бугунги ахборот асрида уларнинг бозорда салқин ичимликларни ўз ўринларини мустаҳкам эгаллашларига ва келажакда юқори иқтисодий самара олишларига замин яратади.

Интернет дўконида маҳсулот сотиб олишни хоҳловчилар аввало ўзларига электрон сават олишлари, бунинг учун эса сайтдан қайд қилинишлари керак. Шундан сўнг керакли маҳсулотларни кўздан кечириб саватига солиб боради. Танлов тугагач, саватига кириб, зарур маҳсулотлар учун буюртма беради. Бунда харидор маълумотлари, сотиб олинadиган маҳсулот ҳақида ва бошқа маълумотлар интернет дўкон иш юритувчисига маълумотлар базасига келиб тушади. Буюртма келиб тушгач, дўконда белгиланган муддат ичида дўкон иш юритувчиси харидор билан боғланиб, пул тўлаш усули ва етказиб бериш шароити, вақтини келишиб оладилар. Электрон тижорат дўконимизни савдо жараёнини бундай услубда ташкил этилишига бир мунча сабаблар мавжуд.

2.2. Фото ва видео хизмати маълумотлар базаси ва сервердан фойдаланиш

Ушбу битирув малакавий ишида фото ва видео хизмати кўрсатиш веб сайтини яратишда Windows операцион тизим компоненталаридан бири хисобланган Apache веб-серверидан фойдаланилди. Бу веб-сервер билан ишлаш учун эса PHP технологиясидан фойдаланилди. Чунки бу технологиядан Apache асосида фойдаланишда ҳеч қандай ортиқча дастурий таъминот ўрнатишларсиз ва қўшимча созлашларсиз амалга оширилади. Чунки бу веб-сервер Windows операцион тизими компоненталари билан узвий ишлайди. Зарур бўлганда PHP объектларига мурожаат қилинади. Бу эса веб-сайтни бажарилиш тезлигини ошишига сабабчи бўлади. Веб-сайтни динамиклигини таъминлаш ва маълумотларни сақлаш учун эса маълумотларни бошқариш тизимларидан тармоқда ишлаш имконияти кенг бўлган MySQL МББТ танланди. Ва зарурий маълумотлар базаси ва жадваллар яратилди.

MySQL кичик ва ўрта маълумотлар базаси фаолиятида тенгсиз ҳисобланади. Унинг унумдорлиги Unix серверларда кўпроқ кўрилади, чунки бу серверлар кўп тармоқланган ишлаш тезлигига эга.

Windows учун MySQLнинг Windows NT серверлари учун вариантлари ишлаб чиқилган.

MySQL ANSI 92 стандартида SQL тили сўровини қўллаб қувватлайди ва ундан ташқи МБ ларида бўлмаган кенгайтириш имкониятларига эга.

MySQL қисқача маълумот ва афзалликлари:

1. MySQL МБ билан ишлашда бир вақтнинг ўзида чекланмаган фойдаланувчилар билан ишлайди.
2. Жадвал ва қаторлар сони 50 миллионга етиши мумкин.
3. Буйруқларни тез бажариши. MySQL ҳамма МБ ичидан энг тезкори ҳисобланади.
4. Хавфсизлик тизими оддий ва эффеқтли.

Фото ва видео химат кўрсатиш веб сайтнинг маълумотлари базаси бир қанча жадваллардан ташкил топган:

Users – мижозлар маълумотлари жадвали бўлиб, унда мижознинг исми, адреси, электрон почта адреси, логин ва пароли маълумотларини сақлайди.

Table1 – фото ва видео химат кўрсатиш каталоги жадвали бўлиб, унда хизмат турлари, фото ва видео камералар ҳақидаги маълумотларини сақлайди.

Table2 – фото ва видео хизмат кўрсатувчи хусусий кархоналар хизмат турлари, унда мавжуд имкониятлар, турли хилдаги хизматларнинг нархлари, таърифини сақлайди

admin - администратор маълумотлари жадвали бўлиб, унда логин ва пароли сақланади.

zakaz – мижозлар буюртмалари ҳақида маълуматларни сақлайди

News - сайт янгиликлари жадвали, унда янгилик матни ва киритилган сана сақланади.

Comments – сайтга билдирилган фикр-мулохазалар ёки мижозлар саволлари маълумотларини сақлаш жадвали.

Бошқа кўпгина дастурлаш тилларига ўхшаб PHP тили бирор бир корпорация томонидан ёки бирор бир профессионал дастурчилар томонидан ҳам тузилмаган балки у 1994 йилларда оддий фойдаланувчи Расмусом Лердорфом томонидан тузилган. Бу тилдан фойдаланиш жуда ҳам осон ва оддий бўлган. Шу билан бир қаторда Расмус яратган тилига базавий синтаксислар қўшган биринчи бор ўзини яратган тилини Personal Home Page Tools яъни PHP деб номлаган. 1995 йилда Расмус ўзини яратган тилини бошқачароқ ишлайдиган қилиб чиқди яъни HTML формада ҳам ишлайдиган қилиб чиқди ва ўз ўрнида PHP/FI Version 2 деб номлаб уни веб серверларда ўрнатди. Бу вақтда PHP дан фойдаланиш жуда ҳам тез амалга ошарди. 1995 йилга келиб эса PHP тилига яна қўшимча компоненталар ишлаб чиқишди булар сервер маълумотлар базаси билан ишлайдиган, автоматический gif файл яратадиган ва бошқалар эди. Бу эса унинг обрўсини ошириб юборди. 1997 йилнинг охирига келиб эса PHP тилида яратилган 50 мингдан ортиқ сайтлар вужудга келди. Веб мастерлар ва бошқа мутахасислар бу тилни муносиб баҳолашди ва уни янада мукаммалштириш учун илмий изланишлар олиб боришди. Бу изланишлар охир оқибат ўз мевасини берди ва 1998 йилнинг кузига бориб Зива Сураски ва Энди Гутманса PHP3 тилини ишлаб чиқдилар.

PHP3 тили амалий жиҳатдан нолдан бошланиб тузилган ва унинг автори фойдаланган кўпгина эффектлардан фойдаланилмаган. Шу билан бир қаторда PHP3 тилидан фойдаланиш жуда ҳам осонлашган эди ва ҳар қандай фойдаланувчи бунинг ёрдамида ўзининг саётини тузиши мумкин эди. 1999 йилнинг охирига келиб аллақачон PHP тилидан фойдаланиб тузилган сайтлар миқдори миллиондан ошиб кетди. Бу тилнинг яна бир ютуқ тарафи у ҳар қандай операцион тизимида Windows, Unix, Linux тизимларида ҳам бирдай фойдаланиш имконини берар эди. 2000 йилларнинг ўрталарига келиб Zend

Technologies фирмаси янги кўшимча функциялари билан PHP нинг 4 версиясини ишлаб чиқди.

Ҳозирги вақтга келиб бутун дунёдаги глобал тармоқда фойдаланиладиган сайтларнинг 20% PHP тилида тузилган сайтлар ҳисобланади. PHP (Personal Home Page Tools) тили очик фойдаланувчи код бўлиб худди HTML кодига ўхшаб Web серверларда ишлатилади. Бу тил Web таҳрирловчилар томонидан Web таҳрирловчилар учун тузилган тил ҳисобланади. PHP тили худди ASP (Microsoft Active Pages), Macromedia ColdFusion ва Sun Java Server Pages лар қаторида туради. Бир қанча мутахасислар Php тилини қуйидагича ҳам номлашади яъни "очик кодли PHP" ёки "PHP очик фойдаланувчи код" деб ҳам юритилади.

WEB-серверда мижоз компьютери тизимини ташкил қилишнинг умумий тамойиллари нуқтаи назаридан мижоз-сервер технологиялари ишлатилади. Бунда серверда одатда, WEB серверда акс этириладиган барча маълумотларни сақлайдиган МБ ва илованинг сервер қисми ўрнатилади, фойдаланувчининг ишчи станциясида эса ахборотни кўриш учун анча оддий восита ўрнатилади. Бу тизимда WEB илованинг сервер қисми «калин» сервер кўринишида тақдим этилади, мижоз машинасида эса мижоз ўрнатилган бўлади.

Ҳозирги кунда оддий WEB серверни яратиш технологиясини анча оддий вазифа деб ҳисобласа бўлади. Асосий қийинчилик сервер саҳифасини бадиий безашдан иборат. Тармоқдаги у ёки бу сервернинг муваффақияти кўп жихатдан айнан саҳифалар қандай безатилганига боғлиқ. Ахборот саҳифаларга қандай бўлинганлиги ва матндаги мурожаатлар қандай белгиланганлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. WEB серверни яратишнинг ушбу муҳим жиҳатлари ҳозир катта қизиқиш уйғотмайди, аввал WEB серверни ўзининг асосини нима ташкил этиши ва фойдаланувчиларнинг компьютерларида қандай саволлар ечилиши кераклиги билан танишиш талаб этилади. Ахборотни тақдим этишнинг қулайлиги авваламбор фойдаланувчиларнинг ишчи станцияларида ўрнатилган воситаларга боғлиқ

бўлганлиги сабабли WEB серверни яратишда ишлатиладиган технологияларни ўрганишни айнан улардан бошлаймиз[9].

WEB технологиясининг «ёшлигига» карамай ҳозирги кунда браузерлар деб аталадиган ахборотни кўриш учун ўндан ортиф турли воситалар мавжуд.

Кўпчилик WEB серверлари ишлаб чикувчилари (WEB-дизайнерлар) WEB-дизайннинг муҳим муаммоларидан бири - ҳар бири HTML ва сценарийларни турлича қўллаб-қувватлайдиган браузерлар ва платформаларнинг кўплиги тўғрисида бир фикрдалар. Ҳар бир янги браузернинг чиқиши билан уларнинг характеристикалари ва имкониятлари яхшиланади, лекин бу аввалги версиялар йўқ бўлиб кетишини англатмайди. Кўп холларда инсонлар энг янги ва энг яхши нарсалар кетидан қувишга мойил эмаслар. Бирлари уларда бори билан қаноатлансалар бошқалари эса браузерларни улар учун танлаб бўлган фирма ёки муассасаларнинг компьютерларида ишлайдилар.

WEB-саҳифа дизайнини браузерларнинг олдинги версиялари эгаларини инкор этмасдан туриб қандай қилиб эстетик ва техникавий жиҳатдан қизиқарли қилиш мумкин?

Web-дизайнда қатъий қоидалар йўқ. Бош вазифа - саҳифанинг мазмунини имкон қадар кўп фойдаланувчилар эркин фойдалнадиган қилишдан иборат бўлганлиги сабабли олдинга интилиш учун тажриба ҳам, мавжуд воситаларни эътиборга олган ҳолда янги технологияларни ишлатиш ҳам бир хил даражада муҳимдир.

Сервер - (ушбу ҳолатда) ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар бўйича сўровларни бажаришга имкон берадиган, компьютер бошқарадиган ихтиёрий дастурий таъминотдир. Ҳужжатларни сўраб оладиган ва уларни акс эттирадиган (браузер каби) дастурлар мижозлар деб аталади. Мисол учун, карта-тасвирлар билан ишлашда фойдаланиладиган «сервер томонида» ва «мижоз томонида» атамалари жараённи бошқараётган машинага тааллуқлидир. Мижоз томонидаги функциялар фойдаланувчининг

машинасида, сервер томонидаги функциялар - узокдаги машинада бажарилади[9].


Web -серверлар браузерлар (мижоз дастурлари)нинг сўровларига жавоб беради, берилган файлларни топади (ёки CGI сценарийсини бажаради) ва хужжат ёки сценарий натижасини қайтаради. Web-браузерлар ва серверлар Hypertext Transfer Protocol протоколи (HTTP, гиперматнни узатиш протоколи) бўйича алоқада бўлади.

Серверларнинг дастурий таъминоти. Аксарият серверлар Unix (Linux) платформасида ишлайди. Айнан шунинг учун Web дунёсида Unix тизимининг атамаларидан фойдаланилади. Иш жараёнида бир неча Unix-буйруқларни ўрганишга тўғри келади. Бирок Windows ва хаттоки MacOS серверларининг сони доимо ошиб бормоқда. Баъзи сервер пакетлари Unix буйруқлар каторидан бошқаришга муқобил равишда график интерфейсни таклиф этади.

NCSA Server, Apache, CERN, Netscape Servers, Internet Information Server (IIS) каби серверлар машхур ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кўпчилик (тахминан 70%) серверлар Apache ёки ундан олдинги NCSA да ишлайди. Сервернинг муаияи типи дизайнер қиладиган ишлариинг катта қисмига, масалаи, графиками яратиш ёки базавий HTML-файлларни ишлаб чиқишга таъсир қилмайди. Албатта, у Server Side Includes каби Web-сайтлари яратишниинг анча такомиллашган усулларига, MIME типларини кўшишга ва маълумотлар базалари томонидаи бошқариладиган Web-саҳифаларга таъсир килади.

Ўзак каталог. Браузер хужжатиини сўраганида, сервер хужжатнинг жойлашган жойини хужжатнинг ўзак каталогидаи бошлаб аниқлайди. Бу каталог Web воситасида биргаликда ишлатиладиган барча хужжатларни сақлаш учун конфигурация килинган. У хужжатга кўрсатадиган URL да албатта кўриниши шарт эмас, шунинг учун файлларни юклашда қайси каталог ўзак каталоги ҳисоблаиини билиш муҳимдир.



Расм 2.2. Миждозларни Веб сервер билан алоқаси

Индекс файллари. URL якунидаги туғри слэш (/) URL файлга эмас, каталогга муружаат килаётгаилигии билдиради. Сукут бўйича серверлар URL да кўрсатилган каталогиниг ичидаги маълумотни акс эттиради. Бирок кўпчилик серверлар каталог рўйхатининг ўрнига алоҳида файлни акс эттиришга конфигурация килинган, бу файл индекс файли деб номланади. Индекс файллар одатда index.html номига эга бўлса, баъзи серверларда улар welcome.html ёки default.html деб номланиши мумкин[10].

Агар сервер индекс файлини топишга конфигурация килинган бўлса ва уни топа олмаётгаи бўлса, униинг ўрнига каталогиниг мазмуни акс эттирилиши мумкин, лекин бу файлларни бегоналар учун заиф қилиб қўяди. Шу сабабга кўра ҳар бир каталогдаги саҳифалардаи бирини (одатда бош саҳифани) index.html (ёки бошқа шартли ном) билан аташ яхши бўлади. HTTP жавоб сарлавҳалари. Сервер файлнинг жойини аниқлаган заҳоти у файлдаги маълумотларни баъзи HTTP жавоб сарлавҳалари (response headers) билан бирга браузерга қайтариб юборади. Бу сарлавҳалар браузерни

келаётгаи файл, шу жумладан ундаги маълумотлар тури («файлдаги маълумотлар тури» ёки «MIME тури» сифатида маълум бўлган) тўғрисидаги ахборот билан таъмиилайди. Одатда сервер файл кенгайтмаси бўйича форматни аниқлайди, масалан, gif кенгайтмали файл тасвир файли сифатида тушунилади[10].

Браузер сарлавхадаги ахборотни ўқийди ва файл билан нима қилишни аниқлайди. У файлни ойнага чиқариши ёки тегишли ёрдамчи ёки ўрнатилган иловаи (plug-ins) ишга тушириши мумкин.

CGI сценарийлари. HTML файлларига мурожаат қилишнинг ўрнига, URL CGI дастури ишга тушириши талаб қилиши мумкин. CGI қисқартмаси - Common Gateway Interface (умумий шлюз итерфейси) деганидир. У Web-серверга серверда ишлаётгаи бошқа дастурлар (CGI сценарийлари) билан алоқада бўлишга имкон беради. CGI сценарийлари одатда Perl, C ёки C++ тилларида ёзилади.

CGI сценарийларидан излаш, сервер томонида тасвир карталарини, ўйинларни бошқариш каби турли фуикцияларни бажариш учуй фойдаланилади. Лекин сценарийлардаи асосаи шаклларга ишлов бериш учуй фойдалаилади.

Серверлариинг кўпчилик маъмурлари CGI сценарийларини CGI-BIN (CGI-binaries ниш қисқартирилгани) деб аталадиган махсус каталогда сақлаш қоидасига амал қиладилар. Улар битта каталогда сақланаётганда маъмурларга серверни бошқариш ва униинг хавфсизлигини таъминлаш қулай. Агар CGI сценарийларини браузерлар сўраб қолса, сервер функциясиини бажаради ва браузерга динамик мазмунини қайтаради. Масалан, ҳар кўпи ўзгарадигаи янгиликлар ахборотини CGI дастури маълумотлар базасидаи олиб HTML форматига ўтказиб мижозга тақдим этади. CGI дай ташқари динамик сайтларини яратиш воситалари жуда ҳам кўп, масалан PHP, JSP, ASP. NET ва бошқалар. Сервер уларни ўзгартиради ва тегишли ҳаракатларни бажаради. Масалан, бошқа файлдаи HTML-фрагментни қўйиш, баъзи ўзгарувчиларга (масалаи, браузер типидаги) боғлиқ ҳолда саҳифачаларини

динамик тузиш ва бошка бир катор унча ёқимли бўлмагаи ишларни бажаради.

SSI иииг афзаллиги бизга муайян тузилишга эга ва барча саҳифаларида код элементлари такрорланадиган ҳажми етарли даражада катта бўлган сайтни сақлаб туриш зарур бўлганда намоён бўлади. Сервер уланишлари қўлланилганда сайтни ҳар бири саҳифаиинг ўзига тегишли қисми учун жавоб берадигаи алоҳида блоклардан иборат сайт сифатида кўриш қулай. Бу блоклар деярли ўзгармайди ва саҳифадақ-саҳифага такрорланади. Бу блокларга саҳифаниинг бош меню, реклама кўйилмалари, саҳифани безашнинг такрорланувчи элементлари каби элементларини киритиш мумкии. Жисмонан бу блоклар HTML-файллардаи иборат бўлиб, улариинг топшириғини бажариш учун зарур бўладиган коднинг бир қисмига эга бўлади.

Сервер саҳифа оддий саҳифа эмаслиги ва SSI-директивалари мавжудлигини билиши учун у махсус кенгайтмага эга: *.shtml ёки *.shtm, унинг мавжудлиги Web-серверни саҳифачага олдиндан ишлов беришга мажбур қилади. Умуман олганда, кенгайтма Web-сервер коифигурациясига боғлиқ ҳолда ҳар кандай бўлиши мумкии, лекин асосан айнаи *.shtml қўлланилади.

2.3. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси веб сайтини дастурий таъминоти

Яратилаётган фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси Web-сайтни дастурий таъминоти турлича бўлиши мумкин. Динамик Web-сайтларнинг ҳар бир саҳифаси шаблонлар асосида бўлиб, улар доимо ахборотлар базасидаги маълумотлар билан янгиланиб борилади. Фойдаланувчи ўзига керакли Web-саҳифани чакирганда бу маълумотлар базадан олинади, шаблонга қўйилиб янги Web-саҳифа ҳосил қилинади, керакли кўринишда бўлиши учун бу саҳифа фойдаланувчи браузерига Web-сервер орқали юборилади. Динамик Web-сайтларда фақат маълумотларни

янгилаш билан чекланмай янги элементлар кўшиш ҳам мумкин. Динамик Web-сайт тузилиб ишга туширилганидан сўнг унинг ютуқлари яққол кўзга ташланади.

Яратилаётган фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси динамик Web-сайтни яратиш учун биринчи бўлиб бизга Web-сервер керак, масалан Apache. Web-сервер кўп сохаларда ишлатилиши мумкин, масалан электрон магазинга, ахборот серверига, кидирув тизимига, масофадан ўқитиш тизимига хизмат кўрсатиши мумкин. Серверни танлаш интернетда нима билан шуғулланмокчи эканлигимиздан келиб чиқади.

Ушбу фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилоти рекламаси сайтини яратишда PHP алгоритмик тилдан фойдаланилган. PHP дастурлаш тили танланганлигига сабаб , бу дастурлаш тили дастурловчи учун жуда қулай ҳамда бу тил айнан Интернет учун яратилган. PHP нинг асосий рақиблари – Perl , ASP , ColdFusion ва Java.

PHP ва Perl. Perl тили дастурчи Ларри Уолл (Larry Wall) томонидан тузилган ва Practical Extraction and Report Language нинг қисқартмасидир. “Амалий маълумотларни чиқариш ва ҳисоботлар тайёрлаш тили” деб таржима қилиш мумкин. Perl изохловчи тил ва вебга нисбатан бир қанча эскирган. Интернет тили Perl чиққач динамик веб сайтлар яратиш учун бир қанча қулай инструментлар яратилди. Оммалашган Perl тили барча Веб серверларда ишлайди. UNIX да бошқариладиган тизимларда ҳам ишлай олади.

Perl тили синтактик томондан содда ва анча кам, PHP эса функционал томондан юқори, шунинг учун PHP ундан устун таради. Perl тили хар хил турдаги иловаларни яратиш учун ташкил этилган синтаксиси хақида гапириб бўлмайди PHP синтаксиси унга нисбатан анча соддароқ шунинг учун кўпроқ PHP ўрганилади.

PHP ва Java. Умуман айтганда, Java ва Java технологияси бир биридан фарк килади. Java тили C тилининг тўлиқроқ шакли, қайси “кенгайтирилган C++” каби ишланган. Java технологияси ўзига мижоз ва сервер қисмларини

бириктиради, ва яна маълумотлар базаси билан боғланиш имконини беради, шунинг учун Java технологиясини Apache/PHP/MySQL боғланмасига тенглаштирилади. Java технологияси платформалараро технология кўринишида ишлаб чиқилган, фойдаланувчилар корпоратив масштабдаги Web сайтларни яратиши мумкин. Бу технологиянинг асосий устунлиги платформалараро кўчиши ва объектга мўлжалланган дастурлаш тили, қайсики қийин ва катта иловаларни яратиш учун. Камчиликлари секин бажарилиши ва хотирани катта талаб қилиши ва Web иловаларни ишлаб чиқариш қийинчилиги PHP га тенглаштирилади. PHP мослашувчанлик ва масштабланиш бўйича деярли Java дан қолишмайди. Бир қанча оддий иловаларда ўзини етарли оқлаган лекин жиддий иловаларда четлаб ўтади.

PHP ва ASP.NET. ASP (Active Server Pages) – Microsoft томонидан сценарийлар тилидир. ASP PHP дан туради чунки сценарий бажарилиш пайтида ASP.NET технологияси ситуацияси ўзгариши пайдо бўлади.

ASP.NET нинг асосий устунлиги Web-иловаларни яратишда Windows интерфейси барча қулайликларни яратади. Бу саҳифани қийин интерфайсини ишлаб чиқишда катта қулайликлар яратади. ASP.NET Microsoft компаниясини янги NET технологияси билан чамбарчас бирга яратилган. ASP.NET орқали Web-иловаларни яратишни асосий ажратлиб турадиган жихати ихтиёрий NET муҳитидаги дастурлаш тили билан ишлаш мумкинлиги. Бу балки модификацияланган Visual Basic — Visual Basic.NET, янги тил C# ёки клон Java — J#. Бундан ташқари бир қанча дастурлаш тилларини ҳам ишлатиш имконияти мавжуд. Бу турли хил тил биладиган дастурчиларни бутун проект устида бир рамкани ичига жойлаштиради. Web-иловаларни коди MSIL (Microsoft Intermediate Language) баъзан IL деб номланувчи тилда компляция қилинади. Аппаратга боғлиқ бўлмаган кодни IL ишлаб чиқарувчилар томонидан кучайтирилган Web-сервер кешига Java байт-коди аналоги бўйича жойлаштиради. Лекин Java эркин платформа учун, NET ишлаб чиқариш тилига эркинлигини таъминлайди. Web-иловаларни бажарилиши ASP.NET серверида, ишловчилар Windows да бўлмаслиги Амалий жихатдан мумкин.

Web-иловалар интенсев тарзда NET компонентларидан фойдаланади. Динамик Web-иловаларни кўриш фақат Windows да Internet Explorer браузер орқали амалга оширилади. PHP да бошқачароқ лекин ишлаётган пайида кўпроқ хатолар аниқланади. Шу томони билан ASP.NET камчилиги бор. Бу хатоларни амалий жихатда тўғрилаш мумкин лекин бу учун етарли даражада квалификация зарур бўлади. Ишлаб чиқарувчиларга ишончли хат ёзиб кейинги бўладиган хатони олдини олиш мукин.

PHP ва ASP.NET ни яна бир масала устида солиштирсак, агар катта корпорация кўпгина серверлар ва мижоз машиналар томонидан ИНТРАНЕТ ташкил қилинган бўлса ва бу тизим Windows да бошқарилса ASP.NET яна бир бор ўз устунлигини намоён қилади.

PHP ни яна бир устунлиги бошловчилар учун қулай ва Интернетга жойлаштириш осон кечади. Шунинг учун hozirги кунда PHP кенг қўлланилмоқда.

PHP ва ColdFusion. ColdFusion пакети Allaire фирмаси томонидан тузилган. Интерактив ва динамик веб саҳифаларни тайёрлаш учун, веб хужжатларни қайта ишлаш ва маълумотлар базасидан маълумот олиш учун яхши. Минус томонлари ColdFusion ташиб юриш қийинчилиги PHP ни олсак деярли барча платформада ишлай олади. ColdFusion эса фақат 4 та: Win32, Solaris, HP/UX ва Linux. ColdFusion жуда кам тарқалган ва PHP га нисбатан катта ресурс талаб қилади./20/

Ушбу келтирилган мулохазалардан келиб чикиб битирув малакавий иши сайти PHP да қилинди.

PHP тили 1994 йилларда оддий фойдаланувчи Расмусом Лердорфом томонидан тузилган. Бу тилдан фойдаланиш жуда хам осон ва оддий бўлган. Шу билан бир қаторда Расмус яратган тилига базавий синтаксислар қўшган биринчи бор ўзини яратган тилини Personal Home Page Tools яъни PHP деб номлаган. Кейинчалик 1995 йилда Расмус ўзини яратган тилини бошқачароқ ишлайдиган қилиб чиқди яъни HTML формада хам ишлайдиган қилиб чиқди ва ўз ўрнида PHP/FI Version 2 деб номлаб уни веб серверларда ўрнатди. Бу

вақтда PHP дан фойдаланиш жуда хам тез амалга ошарди. 1995 йилга келиб эса PHP тилига яна қўшимча компоненталар ишлаб чиқишди булар сервер маълумотлар базаси билан ишлайдиган, автоматический gif файл яратадиган ва бошқалар эди. Бу эса унинг обрўсини ошириб юборди. 1997 йилнинг охирига келиб эса PHP тилида яратилган 50 мингдан ортиқ сайтлар вужудга келди. Веб мастерлар ва бошқа мутахассислар бу тилни муносиб баҳолашди ва уни янада мукамалштириш учун илмий изланишлар олиб боришди. Бу изланишлар охир оқибат ўз мевасини берди ва бориб Зива Сураски ва Энди Гутманса php3 тилини ишлаб чиқдилар. php3 тили амалий жихатдан нолдан бошланиб тузилган ва унинг муаллифи фойдаланган кўпгина эффектлардан фойдаланилмаган. Шу билан бир қаторда php3 тилидан фойдаланиш жуда хам осонлашган эди ва хар қандай фойдаланувчи бунинг ёрдамида ўзининг сайтини тузиши мумкин эди. Келиб аллақачон php тилидан фойдаланиб тузилган сайтлар миқдори миллиондан ошиб кетди. Бу тилнинг яна бир ютук тарафи у хар қандай операцион тизимида Windows, Unix, Linux тизимларида хам бирдай фойдаланиш имконини берар эди. Кейинчалик Zend Technologies фирмаси янги қўшимча функциялари билан PHP нинг кейинги версиясини ишлаб чиқди. Ҳозирги вақтга келиб бутун дунёдаги глобал тармоқда фойдаланиладиган сайтларнинг кўп қисми PHP тилида тузилган сайтлар ҳисобланади. PHP (Personal Home Page Tools) тили очик фойдаланувчи код бўлиб худди HTML кодига ўхшаб Web серверларда ишлатилади. Бу тил Web тахрирловчи томонидан Web тахрирловчилар учун тузилган тил ҳисобланади. PHP тили худди ASP (Microsoft Active Pages), Macromedia ColdFusion va Sun Java Server Pages лар қатроарида туради. Бир қанча мутахассислар PHP тилини қуйидагича хам номлашади яъни "очик кодли ASP" ёки "ASP очик фойдаланувчили код" деб хам юритилади.

PHP HTML коднинг ичида ёзилиши хам мумкиндир. Яъни худди HTML буйруқлари ва орасида қандайдир бошқа кодлар учраши мумкиндир, мана бу каби:

```
<html>
```

```
<title> <? print “Elektron tijorat olami”; ?></title>
```

```
</html>
```

Шу саҳифани index.php деб сақлаб Интернет браузер орқали очсангиз саҳифа боши “Elektron tijorat olami” бўлади. Лекин PHP саҳифаларнинг кўрсатиши учун сизда Apache Server PHP модули билан ёки IIS PHP модули билан бирга бўлиши керак. Apache Linux ёки Unix да энг яхши ва тез ишлайди, лекин Windows XP ёки NT ишлатмоқчи бўлсангиз, уларга ҳам кўйиб текширишингиз мумкин. Apache серверни сиз <http://www.apache.org> саҳифасидан олишингиз мумкин. /21/

PHP технологиясидан фойдаланишимиз сабаби PHPда хавфсизлиги юқори ва дастур тузиш бирмунча енгил. PHPни серверга ўрнатиш қулай чунки PHP код машина кодига яқин.

PHP тили MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими билан яхши ишлайди.

MySQL AB – MySQL асосчилари ва асосий ишлаб чиқарувчилари компания таркибига кирадилар. MySQL AB Швецияда Дэвид Аксмарк, Алан Ларсс ва Майкл Моти Видениус томонидан ишлаб чиқилган. MySQL серверини ишлаб чиқувчилари барчаси компаниянинг штат ходимларидир. MySQL AB виртуал компаниядир, унинг ходимлари ўнлаб давлатларда яшайдилар. Улар хар куни интернет тармоғи орқали мулоқот қиладилар. Компания ходимлари MySQL МББТ на ишлаб чиқиш ва тарқатиш билан шуғулланадилар. MySQL AB компанияси дастурий таъминотни бошланғич коди, логотипи ва маркаси эгасидир. Бу компаниянинг асосий ғояси MySQL фаолиятига ва Open Source га бағишланган.

Бу ғояга асосан MySQL сервери қуйидаги критерияларга жавоб бериши шарт:

- Дуёдаги энг яхши ва оммабоп МББТ.
- Ихтиёрий фойдаланувчига рухсат бор.
- Ишончли ишлайди.
- Ишлаш ва маълумотларни янгилаш учун қулай.

MySQL AB компанияси ва ишчилари:

Open Source ғоясини ва уни қўллайдиган шахсларни қўллаб қувватлайдилар. Уларнинг ғоясини қўллаб қувватлайдиган одамлар билан ишлашни яхши кўришади. Электрон почтага жавоб беришади ва фойдаланувчиларни қўллаб қувватлаш билан шуғилланишади. Виртуал команда бўлиб интернет тармоғи орқали мулоқот қилишади.

MySQL – катта бўлмаган, ихчам кўп оқимли маълумотлар базаси сервери. MySQL юқори тезлиги, бардошлиги ва қўллашда осонлиги билан тавсифланади.

Аслида MySQL кичик ва ўрта иловалар учун идеал ечим деб хисобланади. Бошланғич матнлар кўплаб платформаларда компиляция қилинадилар. Сервер имкониятларини тўлароқ Unix-серверларида намоён бўлади, уларда кўп оқимлилиқ қўллаб-қувватланади, бу ишлаб чиқаришни сезиларли равишда оширишга имкон беради. Windows учун бўлган наъмунада MySQL Windows NT сервиси сифатида ишга туширилиши мумкин, ёки Windows 2003\2007 даги оддий жараён сифатида.

MySQL – сервер нотижорат фойдаланиш учун бепул. Тижорат йўлида фойдаланиш учун лицензияга эга бўлиш зарур, унинг нархи 190 EURO.

MySQL имкониятлари қуйидагилардан иборат.

MySQL ANSI 92 стандартидаги SQL сўровлар тилини қўллаб-қувватлайди, бундан ташқари, бошқа МББТ ларда бўлмаган, бу стандарт учун кўплаб кенгайтмаларга эга.

MySQL имкониятларини қисқача келтирамыз:

1. Маълумотлар базаси билан ишлайдиган, сони чекланмаган, фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлайди.
2. Жадваллардаги сатрлар 50 млн. га етиши мумкин.
3. Буйруқларни тез бажарилиши. Балки MySQL мавжуд серверлардан энг тезкоридир.
4. Хавфсизликни оддий ва самарали тизими.

MySQL ни дастурий таъминоти жуда тезкор кўп оқимли, кўп фодаланувчили, ишончли маълумотлар базаси SQL – серверидир (SQL – структураланган сўровлар тили). Сервер MySQL ҳам ишлаб чиқариш тизимлари масалалари бўйича критик, ҳам оммавий тарқатиш дастурий таъминоти учун мўлжалланган.

MySQL – маълумотлар базаси билан бошқариладиган тизим. Маълумотлар базаси структураланган маълумотлар йиғиндисини ташкил этади. Бу маълумотлар ихтиётий бўлиши мумкин. Маълумотларни йиғиш, ёзиш ва қайта ишлаш учун маълумотлар базасини бошқариш тизими зарур, MySQL шундай тизим. Компьютер катта хажмдаги маълумотларни жуда яхши қайта ишлайди, шунинг учун маълумотларни бошқаришда ҳисоб китобнинг ўрни катта. Бундай бошқаришни турли кўринишда амалга ошириш мумкин, ёки алоҳида утилталардан, ёки бошқа иловаларга бириктирилган кўринишда. MySQL– бу реляцион маълумотлар базалари билан бошқариш тизими ҳисобланади.

Реляцион маълумотлар базасида маълумотлар бир жойда эмас алоҳида жадвалларда сақланади, бу тезликни ва мослашувчанликни таъминлайди. Жадваллар бир бири билан боғлиқ шунинг учун бир неча жадваллардан ташкил топган сўровлардан фойдаланиш мумкин. SQL MySQL тизимини бир қисми сифатида таърифлаш мумкин, у структураланган сўровлар тили, энг кенг тарқалган стандарт тил сифатида таърифлаш мумкин.

MySQL дастурий таъминоти – бу очик кодли дастурий таъминот.

Очик кодли дастурий таъминотни ихтиёрий шахс ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бундай дастурий таъминотни интернет тармоғи орқали олиш мумкин ва текин ишлатиш мумкин. MySQL дастурий таъминотни қўллаш шартлари лицензияда кўрсатилган. GPL лицензияси бўйича ишлашни хохламасангиз тижорат лицензияланган версиясини MySQL АВ компаниясидан сотиб олишингиз мумкин.

Қандай ҳолларда MySQL МББТ ни танлаш зарурлигини кўриб чиқамиз.

MySQL жуда тезкор, ишончли ва қўллашда қулайдир. Агар сизга бу томонлари ёқса сиз бу серверни қўллашингиз мумкин. MySQL қатор афзалликларга эга. MySQL биринчи бўлиб катта маълумотлар базасини бошқариш учун ишлатиш учун ишлаб чиқилган. Бир неча йилар давомида бу сервер самарали ишлаб келмоқда. MySQL кундан кунга янгиланиб боришига карамай ҳозирги кунда ҳам кенг функцияларни бажаради. Ўзининг қўллашда осонлиги, тезлиги ва хавфсизлиги туфайли интернет тармоғида кенг қўллаб келинмоқда.

MySQL МББТ ининг техник имкониятлари.

MySQL дасутрий таъминот клиент-сервер тизимидир, у кўп оқимли SQL-серверни ўз таркибига олган, у турли ҳисоблаш машиналари маълумотлар базаларини қўллаб қувватлайди, ҳамда турли клиентлар дастурлари ва кутубхоналарини, администратор воситалари ва дастурий интерфейсларнинг кенспектри (API). /13/

II Бобга хулоса

Хулоса қилиб айтганда иккинчи бобда хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ташкил этиш тамойиллари. Энг асосийси фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасини ифодалаш алгоритми ва дастурий таъминотини ташкил этишда қуйидаги хулосаларга келдик:

- Сайт тез ишлаши керак;
- Хавфсизлик даражаси юқори бўлиши керак;
- Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш қулай тарзда ташкил этилган бўлиши керак;
- Ишончли ва кафолатланган бўлиши керак.

III. БОБ ФОТО ВА ВИДЕО ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТИ РЕКЛАМА ВЕБ – САЙТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилот веб сайтини интернет тармоғига жойлаштириш технологияси

Хостингни танлашда интернет провайдер имкониятини, яъни каналнинг ўтказиш қобилиятини инобатга олиш керак бўлади. Бир вақтда қанча ташриф буюрувчилар Web–сайтга кира олиши мана шу кўрсаткичга боғлиқ бўлади. Провайдер канали турли хил мамлакат ва минтақадаги фойдаланувчиларга бир хил яхши ва қулай бўлиши керак. Хостинг сифатига таъсир этувчи бошқа параметр–бу Web–сервер унумдорлиги ҳисобланади. Хостинг ваколоти саналган компания билан сайтнинг оммавийлиги (ташриф буюрувчилар сони) ошган тақдирда каналнинг ўтказиш қобилияти ва Web–сервер унумдорлигини мос равишда ошириш тўғрисида келишиб олиш керак бўлади.

Агар корхона Web–сайти миллий бозорга мўлжалланган бўлса, у ҳолда уни бирон—бир миллий провайдерларнинг серверига жойлаштириш лозим. Агарда корхона маҳсулоти ёки хизматлари халқаро бозорга мўлжалланган бўлса, унда Web–сайтни чет эл, шу қаторда Шимолий Америка компаниялари серверига жойлаштирамоқ керак, зеро бунда ахборотни олиш тезлиги ва у билан ишлаш самарадорлиги юқори бўлади. Агар корхонага миллий ва халқаро бозор бир хилда зарур бўлса, у ҳолда она тилидаги ва инглиз тилидаги версиялар ишлаб чиқиш ва юқори келтирилган муқобилли жойларда ёки бир Web–сайтда бирлаштирамоқ керак.

Веб-сайтларни интернет тармоғига жойлаштиришда хостинг тушунчаси ишлатилади.

Хостинг – бу интернет тармоғида доимо мавжуд бўлиш учун серверда маълумотларни физик жойлаштиришда диск соҳасининг ажратилиши ва тақдим этилиши хизматидир.

Хостинг хизматида почта корреспонденцияси, маълумотлар базаси, DNS, файл ва булар учун жой ажратиб берилмоқда. Шунингдек, бу сервисларнинг фаолияти ва функциялари ҳам қўллаб қувватланади.

Хостинг хизмати одатда текин ва пуллик шаклларга эга. Текин хостинг хизматини таклиф қилувчи компаниялар уларга берилган сайтларда ўз рекламанини жойлаштириш орқали фойда кўрадилар. Бундай хостинглар одатда пуллик хостингларга нисбатан тезлиги ва ишончилиги паст ҳисобланади. Физик шахслар кўпинча шундай хостинглардан фойдаланадилар. Тижорат ташкилотлари эса ҳар доим пуллик хостинг хизматларидан фойдаланадилар.

Хостинг хизматлари ресурслар тақдим этишга қараб қуйидагиларга ҳам ажратилади:

- виртуал хостинг – кўп сонли фойдаланувчилар учун умумий битта веб-сервис хизмати муҳити, дискда жой ажратилади.
- виртуал ажратилган сервер - дискда жой ажратилади, фойдаланувчи учун ажратилган сервердай туюлади, лекин аслида битта реал серверда бир қанча виртуал серверлар жойлаштирилади. Бу хизмат тури ўртача оғирликдаги ва енгил проектлар учун мўлжалланган.
- ажратилган сервер – маълум хотира, процессор ва диск соҳаси билан бутун бир сервер тақдим этилади. Катта веб проектлар учун мўлжалланган.

Хостинг танлашдаги муҳим критерия бу ишлатиладиган операцион тизимдир, чунки у ёки бу функционал вазифаларни қўллаб-қувватлаш унга боғлиқ. Хостингнинг муҳим аспекти у ёки бу хизмат ва имкониятлар мавжудлигидир:

- CGI ни қўллаб қувватлаш;
- Perl, PHP, ASP ни қўллаб қувватлаш;
- htaccess (Apache учун) ни қўллаб қувватлаш;
- маълумотлар базасини қўллаб қувватлаш;

Юридик нуқтаи назардан Ўзбекистонда хостинг хизмати телематик алоқа хизматига кирмайди. Қачонки алоқа оператори фойдаланувчи қурилмасини ўзида жойлаштирса ва уни интернетга улашни таъминласа – у ҳолда алоқа тармоғига мурожаатни таъминлаш хизматини кўрсатиши учун оператор лицензия олиши керак.

Интернетда электрон тижоратни олиб бораётган корхона бошқарувчиси ўзининг жисмоний Web - серверини ташкил қилиш ва қўллаб - қувватлаш бўйича қарор қабул қилиш мумкин. Ушбу муқобил юқоридагилардан қатор фарқларга эга. Аввало Web - сервер яратишга етадиган харажатлар йиғиндиси кўпроқ нархи эса сезиларли даражада катта, яъни ишларнинг хажми ва мураккаблигига қараб тўла қонли сервер ташкил қилишга 10 минг доллардан ортиқ пул кетиши мумкин. Корхона серверини жойлаштириш алоҳида кучли компьютер ва ўтказувчанлик қобилияти 64 Кб.с дан кам бўлмаган алоқа каналини талаб этади (ақс ҳолда серверга кирувчиларда графика билан ишлашда, шунингдек сервер юкланиши корхона ички тармоғидан Интернетга чиқишда қийинчиликлар туғдиради). Web - сервер ташкил этувчилари бир неча Web - сайт ва серверларни ишлаб чиқишда (дизайн ва мумкин бўлган тўлов интерактив элементлар) тажрибага эга бўлган фирмалар, шунингдек фақат шунда ихтисослашган ва катта тажрибага эга бўлган компаниялар чиқишлари мумкин.

Умуман олганда шуни айтиш мумкинки, катта бўлмаган корхоналарда шахсий Web - серверни ишлатиш фатқатгина электрон тижорат тизимининг ишлатиш юқори даражада бўлгандагина ўзини оқлайди. Масалан, шахсий сервер электрон тижорат тизимини корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти билан интеграциялашувида керак. Шахсий серверни ишлатиш ахборотни, ҳимоя қилиш даражасини ошириши ва шу қабилар нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ. Бироқ бу ҳолда шахсий серверни сотиб олиш учун кетадиган умумий харажатларни ҳисобга олиш лозим.

Биринчи ҳамда иккинчи муқобиллар сервер жойлаштирилувида ахборотни ҳимоя қилиш саволлари алоҳида эътибор талаб этади.


Веб - сайтни интернетга жойлаштиришнинг бир қанча усуллари мавжуд, масалан текин ва пуллик жойлаштириш. Ҳар иккаласида ҳам аввало, веб-сайт учун домен ном олинади.

Бу жараён билан танишишдан олдин айрим тушунчаларни таърифлаб ўтсак. Домен - Интернет тармоғининг иерархик номларининг жойлашган соҳаси бўлиб, ноёб домен номи билан белгиланади ва унга домен номлари серверлар йиғиндиси (Domain Name System – DNS) томонидан хизмат кўрсатилади ҳамда уни домен маъмурий бошқарувчиси марказлашган ҳолда бошқаради. Ҳар бир қайд этилган домен номи учун ягона маъмурий бошқарувчи белгиланган. Домен номи веб-сайт идентификатори бўлиб, у латин алифбоси харфларидан ва рақамлардан ҳамда оралиқ символлардан ташкил топади. Масалан: www.uzinfocom.uz ёки www.cctld.uz.

Интернетда адреслар ва домен номларни тайинлаш бўйича халқаро ташкилот ICANN (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers) келишувига биноан, 2003 йил 27 мартдан буён UZINFOCOM маркази Ўзбекистон ҳудудидаги домен администратори – ccTLDUZ ҳисобланади. (<http://www.cctld.uz/>) Ушбу марказ домен номларни қўллаб-қувватлаш ва қайд қилиш бўйича хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашнинг чоратадбирлари билан шуғулланади. Бу марказ, шунингдек, интернет тармоғида миллий ахборот ресурсларини яратиш ва ривожлантиришни бўйича кенг кўламда ишлар олиб боради.


Домен номини қайд қилдириш учун бирорта провайдерга мурожаат қилиб, махсус форма тўлдирилади ва шартнома тузилади. Ихтиёрий провайдер юқорида айтилган марказга мурожаат қилиб, танланган доменнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади. Агар домен бўш бўлса, бу домен номи сизнинг веб-сайтнингиз учун банд қилинади. Акс ҳолда бошқа ном танлашга тўғри келади. Белгиланган маблағ тўлангач, камида 1 йилга веб-сайтни интернет тармоғига жойлаштирилади. Мурожаат қилган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс томонидан берилган талабномага кўра Домен номи рўйхатга олинади.

Қуйда яратилган фото ва видео хизмат кўрсатиш веб сайтнинг кўринишлари кейилтирилиб ўтилади.




3.1-расм. Веб сайтнинг бош саҳифаси

Бундан ташқари ушбу саҳифада қидирув тизими мавжуд бўлиб, унда саҳифага тегишли бўлган, яъни саҳифага мавжуд бўлган маълумотларни топиш имкониятлари мавжуд бўлади. Бу эса саҳифанинг яна бир имкониятини кўрсатиб беради. Асосан қидирув тизимидан мавжуд фото студиялар, уларнинг хизмати, қўйиладиган талаблар ва нарх наволар ҳақидаги маълумотларни қидиришимиз мумкин. Топилган маълумотлардан фойдаланиш учун аввал рўйхатдан ўтишни амалга ошириш лозим. Рўйхатдан ўтишда фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлар талаб қилинади. Бу фойдаланувчини бир неча марта муружаат этишда бир марта ўз маълумотларини киритишини таъминлайди. Қуйида келтирилган расмда рўйхатдан ўтиш ва қидирув тизими акс эттирилган.(3.2 расм)




3.2 расм. Веб саҳифа рўйхатдан ўтиш ва кидирув тизими

Ушбу сайт дастурий таъминотини PHP ва MySQL ташкил этади. Асосан сайт динимик сайт бўлиб у барча маълумотларни маълумотлар базасидан ўқийди. Бу саҳифада маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва маълумот кўшиш имкониятини беради. Шу мақсадда саҳифада админ бўлими мавжуд бўлиб, унда малумотларни киритиш, ўчириш ва ўзгартириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун администратор логин паролини киритиши шарт. Логин ва парол сааҳифа хавфсизлигини таъминлайди. Ҳар бир аълумтор администратор томонидан киритилади ва таҳлил қилинади. Эскирган маълумотлар ўзгартирилади. Ушбу саҳифа кўриниши қуйдаги расмда келтирилган.(3.3 расм)



3.3 расм. Веб – саҳифанинг администратор бўлими

Веб – саҳифанинг яна бтир имконияти шундан иборатки, унда форум, яъни таклифлар бўлими мавжуд. Ҳар бир фойдаланувчи мавжуд хизматлар ва саҳифа ҳақида ўз фикрларини баён этиши мумкин. Бунинг учун фойдаланувчидан исми, электрон почта манзили, юбораётган маълумот мавзуси ва юбораётган маълумот талаб қилинади. Таклифлар бўлими саҳифани ривожланишига катта хизмат кўрсатади. Бундан ташқари хизматлар сифатини ҳам оширади. Чунки ҳар бир юборилган фикр маълумотлар базасига ёзилиб борилади, ва администратор томонидан танишиб чиқилади. Қайси хизмат қандай эффе́кт бераётгани маълум бўлгач шунга қараб бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш мумкин. Ушбу саҳифа кўриниши қуйдаги расмда келтирилган (3.4 расм).



3.4 расм. Тескари алоқа саҳифаси

3.2. Фото ва видео хизматида буюртма олиш ва электрон тўловни амалга ошириш

Тўлов тизими - бу дастурий воситалар йиғиндиси ҳисобланиб, тўлов воситаси сифатида пул олиб юривчи воситалар (банк карталари)ни ишлатишни таъминлайди.

Тўлов тизими электрон тижорат тизими инфраструктурасининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Электрон тижорат тизимида сотувларни амалда кенг тарқалиши маълум миқдорда ишончли, истикболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали тўлов тизимларини жорий этишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Тўлов тизими оптималлигининг асосий критериялари қуйидагилар:

- Транзакция ўтказиш қиймати(нархи);
- Тўлов иштирокчиларининг мажбуриятлари даражаси;

- Ҳимоя даражаси;
- Дўстона интерфейс ва бошқалар.

Бугунги кунгача 100 дан ортиқ тўлов тизимлари ишлаб чиқарилган бўлиб, вақт ўтган сари уларнинг сони кўпаймоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда:

- FastPay
- UniPay
- E-Pay
- E-karmon
- PAYNET

каби тўлов тизимлари фаолият олиб бормоқдалар.

Ekarmon тўлов тизими орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкин, бу тизим ҳозирда амалда фойдаланиш арафасида.

PAYNET, FastPay, UniPay, E-Pay каби тизимлар ўз пунктлари эга бўлиб, шу пунктлар орқали маълум бир ҳисобрақамга пул ўтказишингиз мумкин. Масалан, PAYNET тизими кенг тарқалган тизим бўлиб, ҳозирда бу тизимнинг Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларида 9000 яқин тўлов пунктлари мавжуд. Бу пунктлар орқали миждоз мобил телефон ва коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Бунинг учун миждоз PAYNETнинг ихтиёрий пунктига кириб, оператор ёки провайдер номини, провайдер томонидан ўрнатилган хизмат номинали ёки телефон рақамини айтади ва тўловни нақд пул бериш йўли билан амалга оширади.

Мижоздан қабул қилинган тўлов ҳақидаги маълумот PAYNET тизимига узатилади. Бу тизимда мос келувчи провайдерга маълумотлар сруктуризацияси содир бўлади. PAYNET тизими транзакция якунида миждозга мўлжалланган ахборот чеки босмадан чиқарилади. Агент пул маблағларини PAYNET ҳисобига миждоздан қабул қилган тўловлари асосида ўтказди. қабул қилинган тўловлар шунингдек оператор ёки провайдер биллингида ҳам ёзиб қўйилади. Агент қабул қилинган тўловлар асосида оператор ёки провайдер ҳисобига пул ўтказди. Шундан сўнг провайдер ёки телефон оператори миждоз учун хизматни йўлга қўяди. Агар миждоз мобил

телефон учун пул тўлаган бўлса, оператор томонидан унга ҳисоби тўлдирилганлиги ҳақида СМС хабарини юборади.

Фермер хўжалик маҳсулотлари веб сайтида ҳам мана шу тўлов тизимлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Бунинг учун мижозлар ўзлари хоҳлаган тўлов тизимини танлайдилар ва шу танлаган тизимлари орқали тўловни амалга оширадилар.

Эндиликда қимматли вақт ва асабларни сарфлаб дўкондан дўконга бориб, у ёки бу маҳсулотларни қидириш ҳожати қолмайди. Бундай масалалар “web-money”, “yandex”, “eKarmon” тўлов тизимлари ёрдамида ҳал қилинади. Шулардан бири яқин келажакда ишга тушувчи ва бир кунда 24 соат, ҳафтасига 7 кун узлуксиз хизмат қилувчи “eKarmon” электрон тўловлар тизимидир.

Ахборот-коммуникация, мобил ва интернет-технологиялари соҳасида дастурий ечимлар ишлаб чиқарувчи «Multisoft Solutions» маҳаллий компанияси 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ “eKarmon” электрон тўловлар тизимини ишлаб чиқди.

Айни вақтда мазкур тизим интернет-дўконлар ёрдамида электрон тўловларни ўтказиш бўйича «бошланғич лойиҳа» сифатида тақдим этилмоқда. «eKarmon» тизими Интернет тармоғи орқали аҳолига товарларни харид қилиш, хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, шу жумладан уяли алоқа операторлари, интернет провайдерлар, халқаро ва шаҳар телефонияси, ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Ушбу тизим миллий валюта “Сўм”га боғланган бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Электрон тижорат тизимида тўловлар маълум шартлар асосида амалга оширилади, масалан маҳфийликни сақлаш, харидор тўловларни интернет орқали амалга оширишда ўз маълумотларини (масалан кредит карточка

рақами) маҳфийлигини сақлашни талаб қилади. Яъни бу борада тўлов тизимининг камчилиги бўлмаслиги керак. Шундай қилиб маҳфийликни сақлаш талаблари қуйидагилардан иборат бўлади:

- тўлов жараёни вақтида ташқи кузатувчидан харидор маълумотларни сир сақлаши;
- харидорнинг тўлов қабул қилувчи учун маълум даражадаги анонимлигини сақлаш;
- тайинланган тўловнинг эмитент маълумотларни олиш имкони йўқлигини таъминлаш;
- хавфсизликни таъминлаш, интернет тармоғи анча самарали алоқа воситаси ва муҳити бўлиши билан бир қаторда, фойдаланувчилардаги ишончсизликга эга, электрон тўловлардаги хавфсизлик таъминлаш, бу тизим учун муҳим критериялардан бири ҳисобланади;
- аутентификация, харидорлар ва сотувчилар савдо жараёнидаги иштирок этувчиларнинг айнан ўзлари эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Электрон тўловлар, дўконга телефондан берилган буюртмаларга бўлган тўловларга ўхшаб кетади. Асосий фарқи, харид қилинган маҳсулотлар учун тўловлар мижознинг компьютер ва сотувчининг WEB-сервери орқали амалга оширилади.

Сотувчининг WEB-сервери, савдодаги маҳсулотлар учун маълум форма яратилган бўлиб, харидор ўз браузеридида бу формани тўлдирди. Браузер орқали бу тўлдирилган маълумотлар сотувчи WEB-серверига тушади ва қайта ишланиб, маълумотлар базасига қўшилади. Маълумотлар базаси иккита қийматга эга.

Биринчидан, маълумотлар базасида, барча ҳисоб-китоблар, мижозлар маълумотлари, умуман савдо жараёнидан кейинги маълумотлар қайта ишлаш учун ва қидириш учун осон бўлган ҳолда тизимлаштирилиб сақланади.

Иккинчидан, маълумотлар базаси – бу барча бир-бири билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг йиғиндиси ҳисобланади, яъни маълумотларни

маълум бир дастурлар учун ишлатиш, керакли маълумотларни топиб қайта ишлаш ва маълумотларни бошқариш имкониятидир.

Сотувчининг маълумотлар базасига келиб тушган харидорларнинг маълумотлари ҳаққонийлиги, харидлар ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилиги текширилади ва тўлов тизимига маблағ ўтказиш мумкинлиги тасдиқланади. Сотувчи WEB сервери тўлов тизими сервери билан интернет орқали махсус протоколлар ёрдамида боғланиб маълумот алмашинади ва тўловлар қабул қилинади.

Шлюз бу турли протоколда ишлайдиган компьютерларни бир-бири билан боғловчи ҳисобланади ва бу ёрдамида харидорнинг банк ҳисоб рақамидан тўловлар қабул қилинади. Тўлов қабул қилиш жараёнида, бир тармоқдан бошқа тармоққа ўтказишда махсус дастурлар ва протоколлар орқали банк, харидор, сотувчи маълумотлари ўзгартирилади. Тўловнинг охири босқичда муаллифлаш ва тўловни қабул қилиш (харидор банк ҳисоб рақамидан дўкон ҳисоб рақамига ўтказилиши) билан тугалланади.

S-HTTP (Secure Hyper Text Transfer Protokol) – протокол сервер ва браузерларни аутенфикация қилиш ва браузернинг WEB – сервер билан боғланишида маълумотларнинг тўлиқлигини, конфиденцияллигини таъминлаб беради.

Тўлов жараёнларининг хавфсизлиги таъминланиши шифрлашга, кодировка (криптография ва стеганография) қилишга асосланади.

Учинчи шахсларнинг тизимга ижозатсиз киришидан ишончлиги ва ҳимоясининг гарови, Электрон рақамли имзоларининг (ЭРИ) қўлланилиши саналади. ЭРИ 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон ҳужжатдаги ЭРИ айна бир вақтнинг ўзида қоғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эга. ЭРИдан “eKarmon” тизимида киришда, ҳамда реал вақт режимида тўловларни амалга оширишда фойдаланилади. Бунинг учун тизим фойдаланувчиларига «Multisoft Solutions» компаниясининг ЭРИ калитларини Рўйхатга олувчи маркази

(РОМ) томонидан ЭРИ калитининг сертификати берилади. Эслатиб ўтиш жоизки, яқинда компания РОМи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат рўйхатидан ўтди.

ЭРИни қўлланилиши, анъанавий «парол ва логин»лардан фойдаланиш методларга нисбатан, назария ва амалиётда устун деб исботланган. «eKarmon» тизимида қўлланилувчи ЭРИнинг сирли калитининг узунлиги 2048 битни ташкил қилади; демак, бугунги кунда ЭРИ калитларининг ҳар қандай компрометацияси олди олинади.

“eKarmon” тизимининг аъзоси бўлиш учун, ушбу тизимнинг www.ekarmon.uz Интернет сайтида рўйхатдан ўтиб, “eKarmon” Агентлари шахобчаларида идентификациядан ўтиш ва тизим томонидан берилган ўз электрон ҳисобини тўлдириш лозим.

Тизимда электрон рақамли имзоларни тўлдириш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:

1. Тизим агентлари кассаларига нақд пул маблағларини киритиш йўли билан (фақат жисмоний шахслар учун). Фойдаланувчининг исм-шарифи, электрон ҳисоб рақами текширувдан ўтказилгандан сўнг, киритилган сумма ҳақида чек топширилади;

2. Ўзининг банк ҳисобидан «eKarmon» тизимининг банк рақами ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Бунда пул маблағлари тизим фойдаланувчиларининг электрон ҳисобларида автоматик тарзда акс эттирилади. Айнан ушбу маблағлардан, фойдаланувчилар уй ёки офислардан ташқарига чиқмай бутун республика масштаби бўйича товар ва хизматлар (кино, театр, ҳаво ва темир йўл транспорти учун чипталар, кийим кечак, озиқ-овқат, кредит ва ҳ.к) учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўладилар.

Реал вақт режимида маҳсулот ва хизматларини таклиф этиш истагида бўлган хўжалик субъектлар ҳам «eKarmon» тизимида алоҳида рўйхатдан ўтишлари лозим. Уларга «eKarmon» тизими орқали электрон савдони амалга оширишларида фойдаланиш учун ЭРИ калитларининг сертификатлари РОМ

томонидан топширилади. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг уланиши, уларнинг интернет-сайтлари, интернет-дўконлари ёки савдо майдонларининг «eKarmon» интернет-тўловлари тизимига уланиши орқали амалга оширилади. “eKarmon” тизимида маҳсулот ва хизматлар «онлайн» режимида сотилишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ электрон ҳужжат шаклида тузилган келишув назарда тутилган.

«eKarmon» тизимининг қўшимча функциялари каторида, битта фойдаланувчининг электрон ҳисобидан иккинчи фойдаланувчининг электрон ҳисобига маблағларни ўтказиш, тизим аъзоларини баҳолаш (аттестация) ҳамда фойдаланувчиларнинг пул маблағларини банк ҳисоб рақамларига чиқариш каби имкониятлар мавжуд.

Аҳолига ишончли, хавфсиз ва максимал даражада қулай тизим тақдим этиш мақсадида, ишга тушиш арафасида турган «eKarmon» тизими, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идораларига кўриб чиқиш учун таклиф этилган эди. Билдирилган тавсияларни инобатга олган ҳолда, тизимни қўшимча модуллар билан янада такомиллаштириш қарори қабул қилинди. Ундан ташқари, компания вакиллари Ўзбекистон ҳудудида етакчи инновацион технологияларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш соҳасида меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва ижро этилишига бағишланган тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Ҳозирги кунгача “eKarmon” тўлов тизими амалда ишга туширилгани йўқ. Лекин оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, бу тўлов тизимига интернет дўконлар веб-сайтларини улаш мутлақо текин амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг учун дўкон эгалари ООО «eKarmon Group» компаниясининг асосий офисига мурожаат қилиб, қуйидагича бепул имкониятлардан фойдаланишлари мумкин:

- “eKarmon” тизими билан онлайн тўловларни қабул қилиш имконини берувчи интернет дўкон учун тайёр дастурий таъминот;
- Веб-сайтга домен номи;

- ООО «Multisoft Solutions» компаниясининг электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо.

Интернет дўкон эгалари бу тўлов тизимига уланишлари учун ООО «eKarmon Group» компаниясининг асосий офисида махсус бланкаларни тўлдиришлари ва айрим талабларга жавоб беришлари керак бўлади.

3.3. Фото ва видео хизматида ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Ахборот тизимлари ривожланиши билан бирга унинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарб муаммо бўлиб бормокда. Хавфсизлик чоралари мумкин бўлмаган мурожаат орқали маълумот олиш, ҳимояланган маълумоталарни ўзгартириш ёки физик ўчиришга қарши йўналтиради.

Бугунги кунда янги замонавий технология – Ахборот тизимлари ва маълумотларни узатиш тармоқларида ахборот ҳимояси технологияси шаклланмокда. Ахборот хавфсизлигига таҳдид деганда, сақланаётган, узатилаётган ва қайта ишланаётган ахборот ресурсларидан, шунингдек, дастурий ва аппарат воситаларидан рухсатсиз фойдаланиш, уларни бузиш, ўзгартириш ҳолатлари тушунилади.

Ахборот хавфсизлигига бўладиган асосий таҳдидларга: конфиденциал ахборотларни очиш, ахборотларни фош қилиш, ахборот ресурсларидан рухсатсиз нотўғри фойдаланиш, рухсатсиз ахборот алмашинуви, ахборотдан ва хизмат кўрсатишдан воз кечишлар киради.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш методлари ва воситалари куйидагилар:

- Тўсиқ-ҳимоядаги ахборотларга (аппаратларга,...) тажовуз йўлларини физик тўсиқ методи.

- Мурожаатларни бошқариш-компьютер ахборот тизимининг барча ресурсларидан фойдаланишни бошқариш орқали ахборотни ҳимоялаш методи.

У ўз ичига куйидаги ҳимоя функцияларини олади:

- тизим фойдаланувчиларини, персоналларини ва ресурсларини идентификациялаш;

-тақдим этилган идентификация билан объект ва субъектларни аниклаш;

-ваколатни текшириш (сўралган ресурсларга ва жараёнларга ўрнатилган регламент бўйича хафта куни ва кун вақтининг мос келишини текшириш);

- ўрнатилган регламент чегарасида ишлашга рухсат бериш ва шароит яратиш;

- ҳимоядаги ресурсларга мурожаатларни кайд қилиш (баённома тузиш);

- рухсатсиз мурожаатларга ҳаракат қилинганда уларни сезиш.

Маскировка - криптографик шифрлаш йўли билан узатиладиган хабарларни сирлигини ва ҳақиқийлигини таъминлаш илми билан таъминлаш методи ахборот хавфсизлигини.

Регмантлаш – ҳимоядаги ахборотларни автоматик сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш шароитини яратиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш методи.

Зўрлаш - тизим персонали ва фойдаланувчиларни ҳимоядаги ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилишларига мажбурлаш, акс ҳолда моддий маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш таҳдиди билан ҳимоялаш методи.

Мойиллик- тизим персоналлари ва фойдаланувчилари ва ўрнатилган тартиб қоидага маънавий ва этика нормалари асосида риоя қилишларига мойил бўлишлари билан ахборотни қилиш методи.

Ахборотларга рухсатсиз мурожаат қилишнинг энг кўп тарқалган усуллари қуйидагилардир:

- электрон нурналишларни ушлаб қолиш;
- яширин эшитиш қурилмаларини қўллаш;
- масофавий суръатга олиш;
- акустик нурларни ушлаб олиш;
- ахборот ташувчиларни ва хужжат чиқиндиларини ўғирлаш;

- сўров мурожаатлари бажарилгандан кейин тизим хотирасида қолган ахборотларни уқиш;

- химоя чоралари билан ахборот ташувчилардан нусха олиш;

- қайд қилинган фойдаланувчилар орасидан ниқоблаш;

- ушлаб олувчи дастурлардан фойдаланиш;

- Операцион тизимларни дастурлаш тилларининг камчиликларидан фойдаланиш;

- аппарат ва алоқа линиясига ноқонуний уланиш;

- компьютер вирусларини қўллаш.

Интернет тармогининг шиддатли ривожланиши бизнеснинг электрон шакли, электрон тижоратнинг кенг тарқалишига олиб келди. Шундай қилиб, Электрон тижорат 100 йилликнинг энг юкори технологиялари махсулидир ва у кун сари бизнес юритишнинг янада актуал шаклига айланмоқда.

Фото видео хизмат кўрсатишда ҳам ахборот хавфсизлиги ахборот конфиденциаллиги, ахборот бутунлиги сақлаш, аутентификация, авторизация, ишонч қафолати каби характеристикаларни таъминлашдан иборатдир. Электрон савдода юкоридаги талабларни амалга ошириш учун технологик ечимлар мавжуд, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам амалиётда қўллашга ва хавфсизликни тулик таъминлашга тайёр эмас.

Интернетда қаллобликнинг юкори даражадалиги электрон тижорат ривожига тўсиқ бўлувчи омил ҳисобланади. Ушбу масала бўйича, умуман, интернетда ва хусусан, фото видео хизмат кўрсатишда ҳам ахборот хавфсизлик муаммосини ечишнинг янги ечимларини излаш давом этмоқда.

Махфийлик ва аутентификацияни таъминлаш учун шифрлаш (криптография) қўлланилади, бундай криптографик методлар асосида турлича ахборот хавфсизлиги протоколлари яратилмоқда. Сотувчи ва харидорларни идентификациялаш механизмлари, шунингдек, ишонч қафолати электрон рақамли имзо ва рақамли сертификатлар билан амалга оширилади. Ҳозирда интернетда энг машҳур протокол-бу SSL (Secure Socket

Layer) дир. Бу протокол жуда кенг таркалган ва машхур Интернет-браузерлар ва web-серверларнинг таркибий кисмига айланган.

Транзакцияларни енгиллаштирувчи дастлабки стандарт ва протокол SET (Secure Electronic Transaction) протоколи ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги учун яратилган турли стандарт ва иловалар нимани ҳамоя қилишларига қараб, классификациялаш мумкин: SSL, S/WAN каби стандартлар интернетда коммуникацияни ҳамоялайди. S-HTTP ва S/MIME протоколлари аутентификация ва махфийликни таъминлашга йўналтирилган. (S-HTTP-Web иловалар учун, S/MIME эса электрон почта учун). SET-стандарти ЭТ да транзакциялар хавфсизлигини таъминлайди.

Хозирда дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларни биргаликда ҳамкорлик билан фаолият олиб боришларига имкон берувчи умумий, ягона бир стандарт яратилиши керак. Ахборот хавфсизлигини таъминловчи бундай номутаносиблик электрон бизнесни кенг тарқалишига тўсқинлик қилади.

SET (Secure Electronic Transaction) протоколи Visa ва Master Card консурциуми бошчилигида ишлаб чиқилган. У 1996 йил 1 февралда яратилган. Ушбу кунда Visa International ва Master Card International бир қатор технологик компаниялар билан ҳамкорликда Интернет ҳисоб-китобларининг ҳамояланган ягона очик стандарт яратилганларини эълон қилдилар. SET ўзида бошқа иловалар (Web-браузерлардек)ни қўллашга мулжалланган протоколлар тупламини мужассамлаштиради. У интернетда кредит карта билан харидлар учун тўловлар билан боғлиқ бўлган транзакцияларни қайта ишловчи стандарт сифатида тавсия қилинган.

III Бобга хулоса

Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилот веб сайтини интернет тармоғига улаш технологияси, хизмат кўрсатишда буюртма олиш ва электрон тўловни амалга ошириш усулларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

IV БОБ.ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1.Ишлаб чиқариш муҳитида микроиклимнинг инсон организмга таъсири.

Ишлаб чиқариш зоналари об ҳаво шароитини ҳавонинг куйидаги кўрсаткичлари белгилайди:

- 1.Ҳавонинг ҳарорати градусларда ўлчанади.
- 2.Ҳавонинг нисбий намлиги % билан аниқланилади.
- 3.Ҳаво босим Р мм симоб устуни ёки Паскал билан ўлчанади.
- 4.Иш жойлардаги ҳаво ҳарорат тезлиги м/сек ўлчанади

Улардан ташқари об ҳаво шароитига таъсир килувчи ишлаб чиқариш омиллари ҳам мавжуд, булар ҳар хил машина механизмлари ва ишлов берилаётган материал юзаларидан тарқаладиган иссиқлик нурлари бўлиб ҳаво ҳароратини оширишга олиб келади.

Бу омиллар таъсиридан ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш зонасидаги ҳаво муҳитини саноат микроиклими деб аталади.

Об-ҳаво омиллари ҳар бири ёки бир нечаси инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятига ,соғлигига жуда ката таъсир кўрсатади ишлаб чиқариш шароитида об-ҳаво омилларининг деярли ҳаммаси бир вақтда таъсир қилади, баъзи шароитларда бундай таъсир кўрсатиш фойдали бўлиши масалан совуқ шароитда қуритиш натижасида камайтириш мумкин.Баъзи вақтларда эса бир –бирига қўшилиш натижасида зарарли таъсир натижаси ортиб кетиши мумкин.Масалан нисбий намлик ва ҳароратнинг ортиб кетиши инсон учун оғир шароитни келтиради .Бундан ташқари иш жойларидаги ҳаво ҳароратини ошириш ҳарорат юқори бўлган вақтда ижобий таъсир натижа беради.Ҳарорат паст бўлган вақтда салбий натижа беради.

Бундан кўриниб турибдики, об-ҳаво омиллари баъзи ҳолларда ижоби баъзи ҳолларда салбий таъсир кўрсатиб инсон организмнинг ташқи муҳитга мослашувини бузиб юбориши мумкин .Ташқи муҳитга мослашув –бу инсон организмнинг физиологик ва кимёвий жараёнлар асосида тана

ҳароратининг бир хил чегарада (36-37C) сақлаб туриш қобилияти демакдир.

Об –ҳаво шароитининг доимо ўзгариб турувчи шароитида тана ҳароратининг ўзгармаслигини сақлаш туфайли инсон ҳаётининг асоси бўлган организмдаги биокимёвий жараёнларнинг нормал шароитини таъминлаш мумкин. Тана ҳароратининг юқорида кўрсатилган даражадан ортиб кетиши иссиқлаш тушиб кетиши эса совиш деб аталади .Иссиқлаш совиш ҳаёт фаолиятини бузувчи ҳалокатли ҳолатни келтириши мумкин .

Шунинг учун ҳам инсон организмда ташқи муҳит билан мослашувчи физиологик механизм мавжуд бўлиб у марказий асаб системасининг назорати остида бўлади. Бу физиологик механизмнинг асосий вазифаси организмда мода алмашинуви натижасида ажралиб чиқаётган иссиқликнинг ортиқчасини ташқи муҳитга чиқариб чиқариб иссиқлик балансини сақлаб туришдир .Ташқи муҳитга мослашув икки хил , физик ва кимёвий бўлиши мумкин .Ташқи муҳитга кимёвий мослашув организмнинг иссиқлаш даврида мода алмашинувини камайтириш ва совиш натижасида мода алмашинувини ошириши мумкин. Аммо ташқи муҳитга кимёвий мослашуви ташқи муҳитнинг кескин ўзгариши борасида ташқи муҳитга физик мослашувидан аҳамияти катта эмас. Асосан ташқи муҳитга иссиқликни алмаштиришда ташқи муҳитга физик мослашувининг аҳамияти катта.

Организмнинг ташқи муҳитга иссиқлик чиқариши уч йўл билан ўтиши мумкин:

- 1) одам танасининг умумий юзасидан инфра қизил нурланиш орқали:
- 2) танани ўраб турган ҳаво муҳитини иситиш(конвенция):
- 3) терининг терлаб буғланиши ва нафас олиш йўллари орқали суюкликларнинг буғланиши натижасида.

Нормал шароитда,кучсиз ҳаво ҳаракати булган ҳолатда ҳаракатсиз одам организми радиация йўли билан организм ишлаб чиқараётган иссиқликнинг %5ни,конвенция натижасида 30% ва терла шорқали 25% ни

йукатиши аникланган.Бунда тери орқали умумий иссиқликнинг 80% ортиги, нафас олиш аъзолари орқали 13% ва тахминан 5% иссиқлик овкат, сув ва ҳавони иситишга сарфланади.

Ташки муҳит ҳарорати тана ҳароратидан юқори ёки тенг бўлса ,у ҳолда иссиқлик ажратиш терлаб буланиш ҳисобига бўлади.! Гр. Терини буғлатиш ҳисобига 2.5 кЖ(0.6 ккал) иссиқлик йукатиш мумкин.Терлаш йўли билан иссиқлик сарфлаш фақатгина тана юзасида тер буғланганда амалга ошади.Тернинг буғланиши ҳаво ҳарорати ва нисбий намликка,кийган кийимига яъни матога боғлиқ.

Фақат терлаш йўли Билан иссиқлик йўқатишда ҳавонинг нисбий намлиги 75-80 % ортиқ бўлса, терининг буғланиши қийинлашади ва организмни ташқи муҳитга мослашуви бузилиши натижасида иссиқлаш юз беради.Иссиқлашнинг биринчи белгиси тана ҳароратининг кўтарилишидир.Кучсиз иссиқлашда тана ҳароратини енгил кўтарилиши,ҳаддан ташқари тер чиқиши,кучли сувсаш, нафас олиш ва қон томирлар уришининг тезлашиши билан чегараланиши мумкин..Агар кучли иссиқланиш юз берса, унда нафас олиш қийинлашади, бош қаттиқ оғрийди ва айланади, нутқи қийинлашади.

Ташқи муҳитга мослашишнинг бу хилдаги бузилиши ва тана ҳароратининг кескин кўтарилиши иссиқлик гепатермияси деб аталади.

Иссиқланишнинг иккинчи белгиси терлаш натижасида одам организмдан кўп миқдорда туз йўқатиш натижасида келиб чиқади..Бу ҳолат тери ҳужайраларида тузнинг камайиши туфайли терининг сувни ушлаб қолиш қобилияти сусайганидан келиб чиқади. Ичилаётган сув тинмай тер бўлиб чиқиб кетганлиги сабабли организм кучли чанқоқли сезади. Ичилган сувнинг тезда чиқиб кетиши чанқоқни янада кучайтиради ва бу сув билан захарланиш ҳолатини вужудга келтириш мумкин. Бунда организм пайларида қалтираш пайдо бўлади,кучли терла ва қоннинг қуйуқлашиши кузатилади.Бу ҳолат қалтираш касаллиги деб юритилади. Кейин иссиқ уриш вужудга келади,тана ҳарорати 40-41

градусга кўтарилиб одам хушини йукатади ва қон томирларини уриши кучсизлашади. Бу вақтда организмдан тер чиқиш бутунлай тўхтади. Қалтираш касали ва иссиқ уриш ўлим билан тугаши мумкин.

Инсонни фаъолияти учун кислород газини нафас олинадиган ҳавонинг асосий ташкиллаштирувчилардан бири бўлиб, унинг камайишига инсон организми жуда сезилувчан. Агарда ҳавонинг таркибида кислороднинг миқдори 17%гача камайса инсонни нафас олиши ва томирлар уриши тезлашади, 11-13% га тушганда гипоксия ҳолати ва 7-8%гача камайганда ўлим даражасига олиб келади. Ҳавонинг нисбий намлиги 75% дан ошмаслиги ва 30% дан кам бўлмаслиги керак. Юқори ҳарорат остида ҳаво намлигининг ортиши натижасида организмнинг иссиқлик чиқариши қийинлашади, натижада организм қизийди. Паст ҳарорат эса намликнинг ортиб кетиши туфайли организмда иссиқлик чиқишини тезлаштиради, натижада тумов ва бошқа шамоллаш касаллигига чалиниш мумкин. Юқори нисбий намлик ($W > 85\%$) тери буғланишининг камайишига, жуда паст нисбий намлик ($W < 20\%$) нафас олиш йўллари шиллик пардасининг қуриб қолишига олиб келади.

Ҳавонинг алмашилиш тезлиги (вентиляция) Иш жойларида ҳавонинг

ҳаракати иш шароитини яхшилашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Иссиқлик юқори бўлган, биноларда ҳавонинг ҳаракати организмдан чиқадиган иссиқликни атроф-муҳитга берилишини яхшилайти ва аксинча, совуқ биноларда организмга салбий таъсир қилади.

Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларга боғлиқ ҳолда шароитларнинг ноқулайлиги ва уларнинг территорияларида руҳсат этилган

**Ишлаб чиқаришда микроклим параметрлари
ва уларнинг гигиеник меъёрлари**

Маълум оғирликдаги жисмоний меҳнат билан банд бўлган киши ўзини яхши ҳис қилиши, яъни у қизиқ кетмаслиги учун микроклим шароитлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Иш жойларидаги микроклим омиларини ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг тезлиги ҳамда атмосфера босими ташкил этади. Бундай шароитларни комфорт шароитлар дейилади. Бу шароитларни яратиш «Иш зонасининг ҳавосига умумий санитария-техника талаблари» билан белгиланади. Намликнинг энг мақбул киймати 40-60 % деб қабул қилинган, лекин турли ишлаб чиқариш шароитлардан келиб чиққан ҳолда яъни технологик жараён талаблари нисбий намликнинг ўзгаришига олиб келади.

Киши ишлаётган жойдаги ҳавонинг захарланмаган чанг 10 мг/м³ дан, кварц чанги эса 2 мг/м³ дан кўп бўлмаслиги керак. Ишлаб чиқариш хоналари ичидаги чанг миқдори санитария меъёрларида кўрсатилгандан ошиб кетмаслиги керак. Ҳавонинг одам учун сезиларли минимал тезлиги 0,2 м/с ҳисобланади. Санитария-эпидемиология назоратининг тавсиясига кўра иш жойларида ҳаво ҳаракатининг йўл қўйиш мумкин бўлган тезлиги иш жойининг ҳароратига қуйидагича боғланади.

Ишлаб чиқариш хоналарида

микроклим параметрлари қиймати.

Э с л а т м а: ҳамма иш категориялари учун энг қулай нисбий намлик 40-60%

Иш жойларида ҳавонинг ҳаракати иш шароитини яхшилашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Иссиқлик юқори бўлган жойларда ҳавонинг ҳаракати организмдан чиқадиган иссиқликни атроф-муҳитга берилишини

яхшилайти ва аксинча, совуқ иш жойларида организмга салбий таъсир қилади. Ҳавонинг одам учун сезиларли минимал тезлиги 0,2 м/с ҳисобланади. Йилнинг совуқ пайтларида ҳавонинг тезлиги 0,2-0,5 м/с, иссиқ жойларда эса 0,2 -1,0 м/с бўлиши тавсия этилган. Иссиқ жойларда бу кўрсаткич 3,5 м/с. Гача оширилиши мумкин. Микроклимни ташкиллаштирувчи элементлар кўрсаткичларини назорати

учун турли ўлчов ускуналардан фойдаланадилар. Ҳавонинг нисбий намлиги ўлчаш учун Август ва Асман аспирацион психро метрлари ва гигрографлардан кенг фойдаланадилар. Муҳитнинг ҳароратини маълум вақт давомида қайд қилиб бориш учун термографлардан ва лаҳзавий ўлчаш учун термометрлардан фойдаланадилар.

Иш ўринларида ҳавони алмашиш ҳаракат тезлигини аниқлаш анемометрлар ёрдамида амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришнинг иш жойларида ҳавосини

иситиш ва алмаштириш

Ишлаб чиқариш бинолари ва техника воситалари кабиналарида микроклимни таъминловчи элементларни параметрлари кўшимча ускуна ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ишчи зонасидаги температуранинг меъёр даражасига етказиш – йилнинг совуқ пайтларида иситиш ускуналари калароифир ва вентилятор, батареяларга буғни босим остида ҳайдаб бериш, ёқиш печлари ва индивидуал иситиш ускуналари ёрдамида амалга оширилади ва аксинча йилнинг иссиқ пайтларида ишчи зонасида ҳавони совитиш мақсадида, кўшимча совитилган ҳаво марказлашган шамоллатгичлар ёрдамида ва индивидуал шамоллатгичлар ёрдамида амалга оширилади.

Меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан иш жойларида меъёр даражасидаги шароитларни яратиш учун иситиш жараёнидан кенг фойдаланадилар. Иш жойларини иситиш маҳаллий ёки марказлашган ҳолда бўлиши мумкин. Иссиқликни етказувчи восита сифатида сув, буғ, ёки ҳаво ишлатилиши мумкин. Маълумки сув ва буғ махсус буғ қозонлари ёрдамида иситилиши ва муҳитни қувурлар ёки радиаторлар орқали иситилади. Ҳавони қиздириш эса калориферларда иссиқ сув, буғ ва электр токи ёрдамида амалга оширилади.

Меҳнат муҳофазаси талабларидан келиб чиққан ҳолда биноларни иситиш мавсуми давомида бинонинг барча жойларида ҳавони иситилиши тенг ва бир меъёрда бўлиши, ёнғин ва портлаш хавфидан

ҳоли бўлиши, таъмирлашда ва фойдаланишда қулайлик талабларига жавоб бериши керак.

Айниқса маҳаллий иситиш учун ишлатиладиган ёқиш печкалар қуйидаги

талаблар асосида қурилиши ва ўрнатилиши шарт:

-полларни ёниб кетишдан сақланиш мақсадида ёқиш печкалар оёқлари камида 100мм булиши;

-печ остида 0.7 x 0.5 улчамли металл қоплама бўлиши;

-10мм дан кам бўлмаган қалинликда асбест картон қоғозидан металл қоплама остида ҳимоя қатлами бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бажариладиган барча иш турларини самарадорлик кўрсаткичлари асосан иссиқлик балансининг таъминланганлигидан боғлиқдир.

Иссиқлик баланси асосан қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади

$$T = T_{\dot{y}} + T_k + T_n + T_b + T_x$$

$T_{\dot{y}}$ - кийимнинг иссиқлик ўтказувчанлиги;

T_k - тана атрофидаги конвекция;

T_n - атроф – юзаларга нурланиш;

T_b - танадан чиқаётган намликни буғланиши;

T_x - нафас олаётган ҳавони иситиш.

Ҳавонинг нисбий намлиги ва тозаллиги марказлашган ҳаво алмаштиргичлар (вентиляция) тизими ёрдамида амалга оширилади ва ҳавонинг ҳаракатланиш усулига кўра табиий ва механик шамоллатишлар бўлади. Табиий шамоллатишда хонага ҳаво табиий кучлар - гравитацион (иссиқлик) ва шамол босими таъсирида киради. Гравитацион босим совуқ ва иссиқ ҳавонинг солиштирма оғирликларидаги фарқ натижасида юзага келади. Барча ишлаб чиқариш биноларининг ҳавосини тозалаб туриш табиий ва механик шамоллатиш усуллари ёрдамида амалга тозаланади. Бунинг учун бинони лойиҳаланаётганда деразалар ва деворларда деразачалар, вентиляция каналлари, қувурлар, деразалар, эшиклар ўрнатилади. Уларнинг ҳажми, бино

ҳажмининг умумий ҳажмига нисбатан 2% ни ташкил қилиниши керак.

Агар

табiiй вентиляциянинг самараси кам бўлса бинонинг ички ҳавосини тозалаш

мақсадида механик вентиляциядан фойдаланилади. Умумий ҳаво алмашиш интенсивлигини характерлаш учун ҳаво алмашишининг қисқа кўрсаткичи

(К)дан фойдаланилади. Бу кўрсаткични бинонинг ичидан ажралиб чиқаётган ҳаво миқдорини ($W_x, \text{м}^3$) бир соат давомида умумий ҳажми ($W_6, \text{м}^3$) га нисбати билан аниқланади:

Ҳаво алмашувининг қисқа кўрсаткичи бир соат давомида бино ичида неча марта ҳаво алмашишини кўрсатади. Турли хил ишлаб чиқаришлар учун тажриба йўли

орқали бир неча хил ҳаво алмашишининг қисқа кўрсаткичи аниқланган

Ҳаво алмашишининг қисқалиги 1 м^3 ҳаводаги заҳарли модданинг ҳақиқий қийматини нисбати билан аниқлаш мумкин.

4.2.Ишлаб чиқаришда ёнғин хавфсизлиги

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ва хатарли омиллари

Ишлаб чиқариш ва ҳаёт фаъолияти давомида ёнғинни келиб чиқишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши;

ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш;

керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри

ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш;

яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб-чиқариш

жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя

қилмаслик (ички ёнув двигателларидан чиқадиган учкунлар, электр

қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши,

электр симларида зўриқишнинг йўл кўйилмайдиган даражада ортиб

истиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб кетиши ва

улардан учқун чиқиши, буғ қозонларининг портлаши);
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ёки ёнилғининг сақлаш
қоидаларига риоя қилмаслик натижасида ўз-ўзидан ёниб кетиши сабаб
бўлади.

Ёниш — ёнувчи модданинг ҳаво кислороди ёки бошқа оксидловчи
модда

билан оксидланишининг тез кечадиган кимёвий реакцияси бўлиб,
бунда

ёруғлик ва иссиқлик ажралади. Ёниш қуйидаги турларга бўлинади:

Алангаланиш — маҳаллий қизиш натижасида ёнувчи модданинг
(унинг буғ ва газларнинг) турғун ёниши. Алангаланишга ёнувчи
модданинг аланга ёки чўғланган жисмга тегиши сабаб бўлиши мумкин.

Чақнаш — ёнувчи модда буғи билан ҳаво ёки кислород
аралашмасининг алангага, электр учқунга ёки қизиган жисмга тегиши
натижасида тез ёниб тугаши. Чақнашда сиқилган газлар ҳосил бўлмайди.

Портлаш — модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга жуда тез ўтиши
(портлаб ёниши) бўлиб, бунда кўп миқдорда энергия чиқади ва кўп
миқдорда сиқилган газлар ҳосил бўлади, бу сиқилган газлар емирилишга
олиб келиши мумкин. Портлашда ҳосил бўладиган ёнувчи газсимон
маҳсулотлар ҳавога тегиб, кўпинча алангаланиши ва бунинг оқибатида
ёнғин чиқиши мумкин.

Ўз - ўзидан алангаланиш — модда маълум ҳароратгача
қиздирилганда унга бевосита тегмасдан туриб содир бўлади. Ўз - ўзидан
алангаланиш ҳарорати модданинг ёнғин жиҳатидан хавфли хоссаларини
белгиловчи муҳим параметрдир. Модданинг ўзида кечадиган физикавий,
кимёвий биологик жараёнлар таъсирида ва модданинг қизиши
натижасида юз беради.

Ёнғин — махсус манбада эга бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи
назоратсиз ёнишдир.

Ёнғин хавфсизлигига доир асосий талаблар ва қоидалар

Вужудга келиши мумкин бўлган ёнғинни олдини олиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. . ташкилий (кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналари ёки ёнғиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш, омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш);

техникавий тадбирларга ишлаб чиқиш (ёнғин ёки портлаш жихатидан хавfli хоналарга алоҳида конструкцияли электр жихозлар ўрнатиш, носоз печлар, машиналар, электр жихозлардан, шунингдек, осон алангаланадиган суюқликлар сакланадиган ёки ишлатиладиган жойларда

2. оловдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш, яшин кайтаргичлар ўрнатиш чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш;

3. бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқларга риоя қилиш;

4. ёнаётган бинолардан одамлар, ҳайвонлар ва қимматбаҳо хўжалик буюмларини муваффақиятли равишда кўчиришга имкон берадиган чораларни кўриш (керакли микдорда эшиклар, зарур кенгликда йўлаклар

қуриш ва уларни тўсиб қўйишни ман этиш;

1. ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кўриш (ёнғинни

ўчириш, нарвонлар, ёнғин кузатиш миноралари, сув ҳавзалари ва биноларга келиш йўллари қуриш, ёнғинга қарши автоматлаштирилган ўчириш воситаларини ҳамда сигнализациясини ўрнатиш).

Ёнғинни ўчириш воситалари.

Ёнғинни ўчириш услублари ва ўт ўчиргич моддаларнинг хусусиятларига мос равишда ёнғинни ўчириш воситалари танлаб олинади. Улар асосий, махсус ва ёрдамчи воситаларга бўлинади.

Асосий воситалар - ёнғинга ўт ўчиргич моддаларни (сув, кўпик, кукун, карбонат ангидрид гази ва бошқ.) сепиш учун белгиланган. Буларга

автомобил, автоцистерна, мотопомпа, ўт ўчиргичлар ва бошқалар киради.

Махсус воситалар - ёнғинни ўчиришда махсус ишларни бажариш учун ишлатилади. Уларга автонарвонлар ва тирсакли кўтаргичлар, ёритиш ва алоқа автомобиллари, шунингдек оператив автомобиллар киради.

Ёрдамчи воситалар - ёнғинни ўчиришдаги ишларни бажариш учун етарли шароит яратади. Буларга автосув куйгичлар, юк автомобиллари, автобуслар, трактор ва бошқа машиналар киради.

Бирламчи ўт ўчириш воситалари ёнғин бошланганда алангани кенг тарқалиб кетмаслигини тўхтатиш ва ўчириш учун кўлланилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарига ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун зарур бўлган бирламчи ўт ўчириш воситаларига талаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг 1998 йил 12 июндаги № 44 3-5-21 сонли қарорига асосан аниқланади.

Ўт ўчиргичлар — ёнғин бошланиш вақтида ўчириш учун кўлланилади. Ўт ўчирувчи моддаларнинг таркибига қараб ўт ўчиргичлар кўпикли, газсимон, суюқ, кукунсимон гурўхларга бўлинади.

Кўпикли ўт ўчиргичлар - кимёвий кўпикли ва механикавий-ҳаво турларга бўлинади. Кимёвий кўпикли ўт ўчиргич ОХП-10 ёна бошлаган каттиқ материалларни, майдони 1 м² дан ошиқ бўлмаган турли ёнувчи суюқликларни ўчириш учун кўлланилади. ОХП-10 ўт ўчиргич пайвандланган пўлат идишдан иборат. Унинг усти чўян қопқоқ беркиткич тузилма билан қавшарланган. Шток пружинасига резинали клапан қўйилган бўлиб, кўл ушлагич берк вазиятида кислотали стакан оғзига клапанни сиқиб туради. Кўл ушлагич ёрдамида клапанни кўтариб туширилади. Ўт ўчиргичнинг пуркагичи махсус мембрана билан беркитилган бўлиб, ундан заряд тўла аралашмасдан чиқмайди.

Заряднинг кислота солинган стакани ўт ўчиргичнинг оғзига ўрнатилган. Ўт ўчиргични ишлатиш қоидалари ва унинг асосий маълумотлари корпусга ёпиштирилган ёрликда баён этилган.

Кимёвий кўпик ўт ўчиргичлар бир йилда камида бир марта қайта зарядланади. Ўт ўчиргичнинг ишлаш вақти 50-70 сек, сочиш узунлиги 6-8 м, кўпик микдори 40-55 л, кенгайиш даражаси 6 марта ва турғунлиги 40 дақиқа. ОХП-10 кўл ўт ўчиргачи ОВП-10 ҳаво-кўпикли Карбонат ангидридли ўт ўчиргич ўт ўчиргич ОВП-5 ва ОВП-10 ҳаво-кўпикли кўл ўт ўчиргичлар турли моддалар ва материаллар ёна бошлаганда ўчириш учун белгиланган. Уни ишқорий металллар, моддалар, ҳавосиз ёнувчи жисмлар ва ток остида бўлган электр қурилмаларни ўчиришда қўлланилмайди. Уларнинг ўт ўчириш самарадорлиги бир хил ҳажмдаги кимёвий кўпикли ўт ўчиргичларга нисбатан 2,5 марта ортиқ.

Нейтрал зарядни амалий қўлланилиши ёнғинни ўчиришдаги ўт ўчиргичнинг атрофидаги жисмлар учун зарарсиздир. Чунки ёнғин ўчирилгандан сўнг ҳаво- механикавий кўпик бутунлай изсиз йўқолади. ОВП-5 ва ОВП-10 бир-биридан

фақат корпуснинг ҳажми билан фарқ қилади.

Карбонат ангидрид газли ўт ўчиргичларда (ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8 кўл ва ОУ-

25, ОУ-80 аравачага ўрнатилган кўчма) карбонат ангидрид (CO_2) ўт ўчиргич заряди ҳисобланади. Уларнинг тузилиши бир-бирига ўхшаш. Белгидаги сон қиймати идишнинг ҳажмини литрда ифодаланишини кўрсатади. Ўт ўчиргичлар сиқилган газ билан тўлдирилган бўлиб, ток ўтказмайди. Шунинг учун улар ток остида бўлган электр қурилмаларни ва катта бўлмаган ёнғинни ўчириш учун мўлжалланган. Ўт ўчиргич пўлат идишнинг конусли резбасига сифон най билан латун вентил бураб қотирилган. Ўтни ўчиришда уни ишлатиш учун вентил маховикни ўнг томонга охиригача буралади. Унинг трубкасидан чиқаётган газ ёнувчи жисмга вентилни очишдан олдин рўпара қилинади.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланамиз. Бу географик ноқулай сабабларни енгиб, савдо-сотик учун муҳим имкониятлар йўлини очиб беради.

Бугунги кунда электрон тижорат тезкорлик билан ривожланмоқда. Ўзбекистонда ҳам бир нечта тижорат мақсадида яратилган тармоқ дўконлари мавжуд. Электрон дўконларни ташкил қилишда дастурий таъминотлар фаолиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Ушбу битирув малакавий ишининг натижаси фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари реклама динамик веб-сайтнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқишдир. Дастурий таъминот PHP технологияси асосида ва MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими ёрдамида амалга оширилди. Бунда қуйидаги амалий натижаларга эришилди:

1. Электрон тижорат воситаларини яратиш зарурати, электрон тижоратнинг бутун дунёда ривожланиши аҳволи таҳлил қилинди.

2. Мамлакатимизда электрон тижорат юритишда мавжуд муаммолар ва имкониятларни таҳлили асосида электрон тижорат юритиш тизими ва амалда тадбиқ қилиш масаласи қўйилди.

3. Яратилган веб сайтни қурилиш принциплари ва функционал имкониятлари таҳлил қилинди ва фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари реклама веб сайтини яратиш бўйича веб-сайтнинг, ишлаш принципи ва унинг алгоритми, функционал имкониятлари лойиҳаланди.

4. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш масаласини қўйилиши асосида уни яратиш учун зарур бўладиган воситалардан веб-сервер, PHP, MySQL танланди ва сабаби асосланди, афзалликлари келтирилди.

5. Веб-сайтнинг структураси ишлаб чиқилди ва унинг ишлашини таъминлаш учун зарурий маълумотлар базаси яратилди.

6. Веб-сайтни локал компьютерда тестлаш ва интернетга жойлаштиришда веб-серверга қўйиладиган техник ва дастурий таъминотлар келтирилди.

7. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламалари учун оддий ва қулай интерфейсга эга динамик веб-сайти дастурий таъминоти тузилди, фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламаларини самарали ва осон бошқариш учун – администратор интерфейси ишлаб чиқилди.

8. Фото ва видео хизмат кўрсатиш ташкилотлари рекламасида дастурий таъминоти учун тайёр ва уни амалда қўллаш натижасида савдо компанияси қўшимча афзалликларга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нир Вулкан. Электронная каммерция. – Москва. М.: “Интернет - трейдинг”, 2003. –296с.
2. Балабанов И. Т. Электронная коммерция. Учебное пособие для вузов. –214с.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат"тўғрисидаги қонуни. 2004 йил 21 май.
4. Давлат бошқарувида АКТ. Умумий тушунчалар. Жахон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истикболлари. Тошкент, 2005.
5. Ҳамдамов Р.Х., Кобиров С.С. Проблемы внедрения новых информационных технологий в высшем образовании и пути их решения. Журнал «Таълим муаммолари». 2000. № 4.
6. Юрасов А.В. Электронная коммерция. Учебное пособие. –М.:Дело, 2003, 328с.
7. Система автоматизации делопроизводства и электронного документооборота. Руководство администратора Инструкция по установке ДЕЛО-Web версии 8.5.3. Москва, 2004.
8. Ivon Harton. Beginning JAVA 2 JDK 5 Edition. –Wiley Publishing, Inc. Willey DreamTech. India Pvt. Ltd. 2005, 1263 с.
9. Edited by Gabor Hojsy. PHP Manual. The PHP Documentation Group. 2006.

10. Jon Siegel, Ph. D. Jon Wiley and Sons, Inc. "CORBA Fundamentals and Programming", 2000
11. Morten Flate Paulsen. Online Education and Learning Management Systems. Global E-learning in a Scandinavian Perspective. Publisher: NKI Forlaget, USA- 2006
12. Ҳ.Э.Ғоипов Меҳнат муҳофазаси. Т., «Меҳнат» 2000й
13. О.Қудратов, Т.Ғаниев ҳаётий фаолият хавфсизлиги Т., "Меҳнат" 2004
14. Г.И. Беляков Охрана труда .М., «Агропромиздат» 1990 .

Интернет саҳифалари:

13. Php technoly – www.php.net
14. For Developer – www.tagez.net
15. Java Technology – www.java.com
16. Web developer – www.phptr.com
17. DataBase technoly – www.mysql.com
18. Клуб программистов – www.phpclub.ru
19. Drupal system – www.drupal.org
20. Для php разработчика – www.drupal.ru
21. www.artmebel.uz
22. www.meal_buy.en
23. www.meat.ru